Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА
1918 ЙИЛ
21 ИЮНДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

• № 158 (20. 425) • 1989 йил 6 июль, пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ ФРАНЦИЯДА БЎЛИШИ

4 июль куни Елисей саройидаги суҳбатдан кейин Ф. Миттеран М. С. Горбачевга келгусида Франция ишга туширмоқчи бўлган юксак аниқлик билан ишловчи телевидение системаси билан танишишни таклиф қилди. Системани Европа иқтисодий ҳамжамиятида қатнашувчи мамлакатлар консорциуми ишлаб чиққан. Консорциум бош директори Патрик Самоэль изоҳлар берди.

Совет давлати бошлиғининг Францияга визитини ёритаётган журналистлар унга мурожаат этиб, бошланган визит қандай ўтаётганини баҳолашни илтимос қилдилар. М. С. Горбачев мухбирларга жавоб қайтариб бундай деди:

Биз Президент жаноблари билан ўз суҳбатларимизни яна бошладик. Бу суҳбатларда жуда кўп муаммолар ҳақида фикрлашиб олинмоқда. Шуни айтишим кераки, биз Франция Президентини дилкаш суҳбатдош деб биламиз. бу суҳбатларнинг юксак даражасини ва икки томонлама муносабатларимиз учунгина эмас, жаҳон сиёсатининг муаммоларини баҳолаш учун ҳам уларнинг аҳамиятини қадрлаймиз. Бу — биринчиси. Иккинчиси шуки: биз дўстлармиз, бизга дўст мамлакат — Франция, француз халқи, Франция революциясининг юбилейидек қутлуғ байрамни нишонлаётган бир пайтда бу ерга келганимиздан жуда хурсандмиз. Шу тариқа биз бу ерга келишимизнинг ўзи билан Францияга, унинг халқига ҳурматимизни изҳор этяпмиз.

Биз ҳозирги босқичда, тарихнинг янги босқичида, бурилиш босқичида барча соҳалардаги ҳамкорликка таалуқли муаммоларни муҳокама қиляпмиз. Замон амрига ҳамма мамлакатлар мослашиб олмоқдалар, Президент жаноблари билан биринчи учрашувда шу нарса асосий мавзу бўлди. Бироқ учрашув ниҳоясида Президент жаноблари билан Москвадаги суҳбатда муҳокама қилинган ғоя қандай рўёбга чиқарилаётганлиги тўғрисида яна бир бор ахборот тинглагимиз келиб қолди. Ўша суҳбатда биз ҳамкорлик имкониятларини муҳокама қилиш ҳақида келишиб олган эдик. Биз Умумевропа хонадонини қуриш деб атаётган бу ғояни рўёбга чиқариш доирасидаги мазкур ҳамкорликни мен табриклайман. Халқларимиз шу хонадоннинг архитектурасини ишлаб чиқишда ҳам, лойиҳасини тузишда ҳам, биносини қуришда ҳам фаол қатнашадилар, сўнгра эса бошқалар билан бир қаторда шу хонадонда яшайдилар, деб Президент билан бирга умид қиляпмиз. Бунинг маъноси шуки, халқлар ўртасидаги алоқалар, маданий ҳамкорлик кучайиб бораверади. Бу — Европа халқлари ўртасидаги мулоқотнинг жуда муҳим элементидир. Шу боисдан ҳам мен бу ғояга яна бир бор қайтишни таклиф қилган Президентдан миннатдорман. Назаримда, биз бу ҳақда амалий тарзда ҳали гаплашиб оламиз.

Мухбирларнинг, музокаралар бошланишидан мамнунмисиз, деган саволига М. С. Горбачев: мамнунман, тўла-тўкис мамнунман! — деб жавоб қайтарди.

Суратда: суҳбат пайти. (ТАСС—ЎзТАГ телесурати).

4 июль тушдан кейин М. С. Горбачев Бастилия майдонини зиёрат қилди.

Совет давлатининг бошлиғи Франция Президенти билан биринчи суҳбатдан кейин дарҳол шу кунларда бутун мамлакат тараддуд кўраётган воқеага ҳурмат бажо келтирганлигини парижликлар хурсандчилик билан қабул этдилар.

М. С. Горбачев майдонда сайр қилди, Франция пойтахтининг яқинда бу ерда қурилган янги театри — «Бастилия» биносини кўздан кечирди. Парижликлар совет раҳбари билан бемалол суҳбатлашдилар. Бир гуруҳ француз ёшлари «Марҳабо, Михаил Горбачев» деган транспарантни баланд кўтариб, уни табрикладилар. Кўп кишиларнинг қўлида Парижда оммавий нусхада нашр этилган «Перестройка» китобининг томлари бор эди.

* * *

Кечқуруқ Елисей саройида М. С. Горбачев билан Р. М. Горбачева шарафига Франция Президенти Франсуа Миттеран ва унинг рафиқаси номидан зиёфат берилди.

Совет томонидан зиёфатда Э. А. Шеварднадзе, А. Н. Яковлев, Л. А. Воронин, бошқа расмий кишилар, шунингдек совет жамоатчилиги намояндалари, олимлар, маданият арбобларининг Парижга келган катта бир группаси ҳам ҳозир бўлдилар.

Ф. Миттеран ва М. С. Горбачев нутқ сўзладилар.

Н. ЖЕЛЕЗНОВ,
Ю. ЛОПАТИН,
В. ЧУКСЕЕВ,
Г. ШИШКИН,
ТАСС мухбирлари.

ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИДА

СССР Олий Совети биринчи сессиясининг 4 июлдаги мажлисида раислик қилувчи 30 июнь куни СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари лавозимига В. М. Каменцев номзоди муҳокама қилинганлигини эслатади. Овоз бериш чоғида ҳозир бўлган депутатларнинг кўпчилиги унинг тасдиқланишини ёқлаб чиқди. Бироқ ўша мажлисда залда депутатларнинг салкам учдан бир қисми ҳозир бўлмаганлиги сабабли масалани кўриб чиқишга СССР Олий Советининг кейинги мажлисларидан бирида қайтишга қарор қилинган эди.

В. М. Каменцев номзоди яна муҳокамага қўйилади.

В. М. Каменцевни халқаро ишлар комитети, иқтисодий ислоҳот масалалари комитети ҳамда план ва бюджет, молия комиссияси номидан қўллаб-қувватлаган депутат **А. С. Дзасохов**дан кейин депутатлардан **А. А. Собчак, А. Г. Журавлев** ва **С. Н. Ҳожнев** сўз олдилар. Даъвогар шанига жиддий танқид гаплари айтилди.

Овоз бериш натижасида В. М. Каменцевнинг СССР Министрлар Совети Раиси ўринбосари лавозимига номзоди рад этилади.

Овоз бериб бўлингандан кейин **Н. И. Рижков** сўз олади. У овоз бериш натижаларига қарамай, ўз фикрида қолишини, В. М. Каменцев яна бир неча йил СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари лавозимида самарали ишлаши мумкин эди, деб ҳисоблашини айтди.

Н. И. Рижков СССР Олий Советининг халқ депутати сифатида депутат А. А. Собчакнинг баёноти хусусида СССР Олий Совети Президиумига сўров билан мурожаат қилди. Депутат Собчак В. М. Каменцев бошчилик қилган аппаратда гўё қариндош-уруғчилик алоқалари туфайли лавозимларни эгаллаб турган ходимлар оз эмас, деган эди. Нотиқ А. А. Собчакдан ана шу кишиларнинг рўйхатини СССР Олий Советига тақдим этишни талаб қилди.

Раислик қилувчи депутат Н. И. Рижковнинг талабини қўллаб-қувватлайди.

СССР Олий Совети СССР министрлари лавозимларига номзодларни кўриб чиқишга ўтади.

А. С. Сисцовни СССР авиация саноати министри этиб тайинлаш тўғрисидаги масала депутатларнинг муҳокамасига қўйилади.

А. С. Сисцовга сўз берилади. У мамлакат авиация саноатини ривожлантириш истиқбол программаси тўғрисида депутатларга сўзлаб берди. Унинг сўзларига кўра, тармоқ мутахассислари ўзларининг келгусидаги ишларида ишлаб чиқарилаётган техниканинг сифатини оширишга, унинг ишончлилиги ва пишиқ-пухталигига асосий эътиборни қаратиш ниятидадирлар. 2000 йилгача мўлжалланган тегишли планлар ишлаб чиқилиб амалга оширилмоқда. Космик программалар устидаги, «Бўрон» системасини яхшилаш устидаги, шунингдек анча ҳаракатчан авиация-космик системалар устидаги ишлар давом этмоқда.

Қурол-яроғларни харид қилишга маблағлар қисқартирилаётган, конверсия қилинаётган шароитда биз бўшатилаётган қувватларнинг бир қисмини граждан авиацияси техникасини ишлаб чиқаришни кўпайтиришга йўналтириш ниятидамиз, деди сўнгра министр лавозимига номзод. У енгил саноат, агросаноат, савдо учун машиналар системаси, техник ускуналар ишлаб чиқариш планларига батафсил тўхталди. Унинг фикрича, бу соҳада ҳам ҳозирги замон техника даражасига чиқиб олиш вазифаси турибди.

Нотиқ халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириш юзасидан тармоқ ўртага қўйган вазифалар билан халқ депутатларини таништирди. Бунга, жумладан, чет элларга авиация техникасини пландан ташқари сотиш ва олинган валютага зарур ускуналарни харид қилиш ҳисобига эришиш мўлжалланмоқда.

Номзод ўз нутқининг бир қисмини тармоқнинг социал программаларига, авиация саноатимизнинг яратилаётган авиация техникасини самарали равишда муттасил такомиллаштириб боришига имкон берадиган истиқболли илмий тадқиқотларга бағишлади. Министр лавозимига даъвогар депутатларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Депутатлардан **В. И. Колесников, А. А. Коршунов, В. И. Воскобойников, Е. А. Кутепов** ва бошқалар министр лавозимига даъвогар шанига фикр-мулоҳазалар ва истакларни билдирдилар.

А. С. Сисцов СССР авиация саноати министри этиб тайинланади.

СССР автомобиль ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министри лавозимига даъвогарлик қилаётган Н. А. Пугиннинг номзодини муҳокама этиш таклиф қилинади.

Н. А. Пугин минбарга чиқади.

Нотиқ депутатлардан тушган саволларнинг йўналишини эътиборга олиб, идоранинг умумий позициясини баён этиш чоғида қишлоқ хўжалик машинасозлигини ривожлантириш муаммоларига алоҳида эътибор берди. Бундай устунлик учун жиддий сабаб бор. Маълумки, министрлик ўтган йилнинг декабрь ойида автомобиль саноати ва қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқариш саноати негизида ташкил этилган эди.

Ўтган вақт ичида, деди ҳукумат аъзолигига номзод, бош масалаларни аниқлаб олишга муваффақ бўлиндики, қишлоқ хўжалик техникасини ишлаб чиқариш ана шу масалаларни ҳал этишга боғлиқ, ишнинг истиқболли йўналишлари ҳам белгилаб олинди. Нотиқ ҳозирги пайтда қишлоқ хўжалик машинасозлигига хос кўпгина камчиликларни ўз-ўзини танқид руҳида эътироф этиб, қишлоқ учун яратилаётган техникага нисбатан барча даъволарни ҳисобга олиб, ўзига хос ревизия ўтказилганлигини маълум қилди. Шунга мувофиқ кўпгина моделлардаги машиналарнинг бир қанча янги типлари жадал суръатлар билан ишлаб чиқилмоқда ва модернизация қилинмоқда.

Жумладан, тракторсозлик соҳасида нималар қилинаётгани депутатларга муфассал айтилди. Кучли машиналар ишлаб чиқарувчи қувватлар вужудга келтирилмоқда. КПСС Марказий Комитети 1989 йил март Пленуми қарорларини эътиборга олиб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги ижарачиларга, оилавий пудрат звеноларига хизмат қилувчи механизация воситаларини яратишга катта кучлар жамланган. Ҳам Ватанимиздаги, ҳам лицензия асосидаги ишланмалардан фойдаланилмоқда. Мамлакатнинг ЗИЛ, ВАЗ КамАЗ каби ва бошқа энг катта автомобиль заводлари мана шунга жалб этилган. Тармоқ донли экинларни ва ем-хашакни йиғиштириб олиш чоғида нобудгарчиликни иложи борича камайтириш имконини берадиган техникани яратиш вазифасини сабот билан ҳал этмоқда. Шу боисдан хилма-хил янги машиналар мамлакатнинг турли регионларидаги иш шароитини эътиборга олиб яратилмоқда.

Мана шу ишланмаларнинг ҳаммаси мумкин қадар тезроқ фақат намуналаргина бўлиб қолмай, кўплаб ишлаб чиқарила бошлаши жуда муҳимдир, деб таъкидлади нотиқ. Аммо, аслини олганда бизнинг саноатимиз ҳозир бундай техникани ишлаб чиқаришга тайёр эмас, уни ишлаб чиқариш учун зарур потенциални вужудга келтиришга муваффақ бўлинмади, деди у. Шу туфайли ҳукумат аъзолигига номзод: корхоналарнинг бир группасини, шу жумладан собиқ Сельхозтехника заводлари ва бирлашмаларини мазкур программага батамом жалб этиш керак, деган аниқ таклифни айтди. Тармоқлараро ихтисослаштирилган корхоналарни вужудга келтириш мумкин бўлур эди, деб ҳисоблайди у.

Саволларнинг катта бир туркуми мамлакатнинг автомобиль паркини шакллантириш муаммолари билан боғлиқ эди. Нотиқ ана шу саволларга жавоб қайтариб, ҳукумат келгуси беш йилликда енгил машиналар ишлаб чиқарувчи қувватларни амалда икки баравар оширишга қаратилган қарор қабул қилганлигини айтди. Бу — ўткир социал масалани ҳал этиш йўлида қўйилган муҳим қадамдир. Юк автомобилларини ишлаб чиқаришда эса, ҳукумат аъзолигига номзоднинг фикрича, мақбул даражага эришилган.

Масалани муҳокама қилишда депутатлардан **И. М. Ивченко, В. Я. Калашников, В. И. Гросс, В. Е. Головнев** ва бошқалар иштирок этдилар.

СССР Олий Совети Н. А. Пугинни СССР автомобиль ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министри этиб тайинлайди.

В. Ф. Коновалов СССР атом энергетикаси ва саноати министри лавозимига тасдиқланиш учун таништирилади.

(Давоми иккинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА УЧРАШУВ

5 июль куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов Тошкентдаги Монголия Халқ Республикасининг бош консули Ц. Буянтогтох, Афғонистон Республикасининг бош консули Ғ. Ҳ. Ҳамгар, Ҳиндистон Республикасининг бош консули Й. Кумар, Ливия Араб Халқ Социалистик Жамахириясининг бош консули А. -М. А. -Г. Омранни қабул қилди.

Консуллик ваколатхоналарининг бошлиқлари номидан Ц. Буянтогтох И. А. Каримовни юксак лавозимга сайланганлиги билан табриклади, ишда муваффақият, республика меҳнаткашларига эсон-омонлик тилади.

И. А. Каримов самимий сўзлар учун миннатдорчилик билдирди, Ўзбекистонда қайта қуриш қандай бораётганлиги ҳақида гапириб берди, яқин вақт ичида ҳал этилиши лозим бўлган асосий муаммоларга тўхталди. Булар орасида уй-жой, озиқ-овқат билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари бор. Бу вазифаларнинг ҳал этилиши кўп жиҳатдан меҳнаткашларнинг ижодий ташаббусини ривожлантиришга боғлиқдир, мамлакатда рўй бераётган революцион ўзгартишлар шароитида улар учун кенг имкониятлар очилмоқда. Демография муаммосига катта эътибор берилди, аҳолини иш билан таъминлаш, ёш авлодни тарбиялаш, миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш масалалари шу муаммо билан боғланган.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Тошкентда ўз консуллик ваколатхоналарига эга бўлган мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабат масалалари ҳақида гаплашиб олинди.

Иккала томон мавжуд дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари мустаҳкамланиб, ривожланиб боравериши умид билдирди.

Суҳбатда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский, Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри С. О. Азимов иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

МУАММОЛАРНИ БИРГАЛИКДА ҲАЛ ҚИЛАЙЛИК

М. С. Горбачевнинг Марказий телевидение орқали сўзлаган нутқи Бухоро областининг меҳнат коллективларида астойдил қўллаб-қувватланди.

— Корхонамиз ишчи ва хизматчилари Михаил Сергеевичнинг нутқини эътибор бериб тингладилар ва ўқидилар, — дейди Бухоро ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари М. Ражабова. — Миллатлараро муносабатлар масаласи ҳозир барча совет кишиларини қизиқтирмоқда. Ҳар бир цех ва бригадада ишчиларнинг ташаббуси билан бу нутқ муҳокама қилинди. Бизнинг коллективимизда 60 миллатга мансуб 13 мингдан кўпроқ киши ёнма-ён меҳнат қилмоқда. Бирор марта улар ўртасида миллий сабаб билан низо чиққан эмас.

— Фарғона фожиаси бизни жуда ташвишга солиб қўйди,—дейди ремонтчи слесарь О. Абдуллаев. — Безориларнинг хатти-ҳаракатлари давлатга ва халққа жуда катта моддий ҳамда маънавий зиён етказди. Бундай воқеа ҳеч қачон такрорланмаслиги керак.

Токарь Г. Овчинниковнинг фикрича, аввало иқтисодий қийинчилик Фарғона областида рўй берган воқеаларга имкон берган. Айрим бебош кишилар социал-иқтисодий соҳада етилган муаммолардан фойдаланиб, совет кишилари ўртасига адоват уруғларини сочишга уринмоқдалар.

— Бизнинг бригадамизда ўзбеклар, тожиклар, руслар, татарлар ишлаб туришибди, — деди Г. Овчинников. — Улардан биронтаси бир-бирига ёмон муносабатда бўлганини эслай олмайман. Биз кўп миллатли оиламизда аҳил яшашимиз керак. Миллатлараро муносабатларда йиғилиб қолган муаммолар фақат дўстлик ва ҳамкорлик асосида ҳал этиладиган бўлсин.

(ЎзТАГ).

КОМИССИЯ ИШЛАМОҚДА

ФАРҒОНА, 5 июль. (ЎзТАГ). Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. И. Иброҳимов бошчилик қилаётган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг комиссияси бу ерда турибди. Комиссиянинг мақсади — июнь ойининг дастлабки кунларида Фарғона областида рўй берган фожиали воқеаларни чуқур, атрофлича ўрганиш ва унинг сабабларини таҳлил этиш, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати областдаги аҳволни барқарорлаштириш юзасидан белгилаган барча тадбирлар комплекси қандай бажарилаётганлигини текширишдир.

Комиссия аъзолари Қувасой, Марғилон, Тошлоқда, областнинг бир қанча районларида бўлишди, партия, совет ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари билан, жамоатчилик вакиллари билан суҳбатлашишди. Ёзёвон районида партия, уруш ва меҳнат ветеранлари билан учрашув бўлди. Комиссия аъзолари Фарғона шаҳрида область территориясида яшовчи турли миллат вакиллари билан учрашишди.

Корхоналар, колхозлар ва совхозларнинг меҳнат коллективларида ҳам бўлаётган бундай учрашувлар ва суҳбатлар чоғида аҳоли ўртасида саросима туғдирадиган иғвогарликдан иборат миш-мишлар тарқалишининг пайини қирқиш юзасидан шошилинч чоралар кўриш муҳимлиги таъкидланмоқда. Комиссия аъзолари М. С. Горбачевнинг Марказий телевидение орқали сўзлаган нутқининг мазмунини уларга тушунтириб беришмоқда. Корхоналар, хўжаликлар, олий ўқув юртлари партия комитетлари ва бошланғич ташкилотларининг меҳнаткашларни, айниқса ёшларни интернационал руҳда тарбиялаш, меҳнат коллективларида ва аҳоли истиқомат жойларида маънавий-психологик иқлимни соғломлаштириш юзасидан олиб бораётган ишлари таҳлилига, областдаги социал-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Комиссия ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Д. Д. Берков, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар ва кадрлар билан ишлаш бўлимининг мудири П. В. Догонкин, Ўзбекистон ССР халқ контроли комитетининг раиси А. С. Ефимов қатнашмоқдалар.

ҲИНДИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ МИНИСТРИ РАЖИВ ГАНДИНИНГ СССРГА ҚИЛАДИГАН ТАШРИФИ ТЎҒРИСИДА

Эришилган аҳдлашувга мувофиқ, совет раҳбариятининг таклифига биноан Ҳиндистон Республикасининг Бош министри Ражив Ганди шу йил июль ойининг ўрталарида Совет Иттифоқига дўстона амалий ташриф буюради.

«НАДЕЖДА» ПАРВОЗДА

1989 йил 4 июль куни Совет Иттифоқида «Космос» учирувчи ракетаси ёрдамида Ернинг сунъий йўлдоши — «Надежда» учирилди.

Йўлдош ичига Совет Иттифоқи денгиз ва балиқ овлаш флотларининг кемалари турган жойини аниқлашга мўлжалланган навигация системаси аппаратлари, шунингдек фалокатга учраган кемалар ва самолётларни қидириш ҳамда қутқариш халқаро космик системаси (Коспас — Сарсат) составидаги ишлар учун мўлжалланган аппаратлар ўрнатилган.

Аппаратлар нормал ишлаб турибди.

Мувофиқлаштириш-ҳисоблаш маркази олинаётган ахборотни ишлаб чиқмоқда.

(ТАСС).

• Воқеа содир бўлган жойдан репортаж

АҲВОЛ ЎНГЛАНМОҚДА, ЛЕКИН...

Илгари хабар қилганимиздек, Хоразм областида бўлиб ўтган табиий офат натижасида бу ерда тўрт район — Урганч, Янгибозор, Ҳонқа, Хазорасп районларининг колхоз ва совхозларидаги қишлоқ хўжалик экинлари, айниқса пахта майдонлари жиддий шикастланди. Областга юз берган вазиятни атрофлича ўрганиш ва тегишли чоралар кўриш учун республика ҳукумат комиссияси келди.

— Мен табиий офат рўй берган куниёқ дўл уриб кетган экин майдонларини кўриб чиқдим, — дейди республика Давлат агросаноат комитети пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи Р. Назаров. — Пахтакорларнинг ўша кундаги изтиробларини ифодалашга тил ожиз. Улар бу йил олдинроқ рўй берган табиий ноқулайликларни ҳам мардона меҳнат билан бартараф этиб, мўлжалдаги ҳосилни яратиш учун замин ҳозирлашга ва кўнгилларини энди тинчитишга улгурган эдилар. Аммо июнь ойининг сўнгги кунларидаги табиатнинг навбатдаги нағмаси уларни шошириб қўйди. Лекин бу ҳол ҳам уларнинг иродасини бука олмади. Ҳозир далаларда вазият ўзгача: ҳосилни сақлаб қолиш чора-тадбирлари кўриляпти.

Биз Урганч районидаги «Пахтакор» колхозида бўлиб, хўжаликда табиий офатдан шикаст топган 700 гектар майдонни кўрдик. Бунинг 556 гектари ғўза пайкали бўлиб, унинг 80 гектарига (қаттиқ зарарланганини учун) бошқа экин мўлжалланди. Қолган майдонларда ғўза ниҳоллари парвариши бошлаб юборилди.

— Ҳозир пахтакорларимиз енг шимариб иложи борича парваришни кучайтириш ҳисобига кўпроқ ҳосил олишга ҳаракат қилмоқдалар, — дейди колхоз раиси Т. Янгибоев. — Ростини айтиш керак, ниҳолларнинг қуруқ поясигина қолган. Энди фақат ҳалол меҳнат керак. Ҳосил кечки бўлади, албатта. Уни ноябрь ойидагина териб олиш мумкин, 4-сортга ўтиши ҳам табиий. Бу — ҳар гектар ердан бошқа харажатларни чиқариб ташлаганда атиги 400 сўм даромад олинади деган сўз.

Комиссия пахтакорлар, айниқса пудрат асосида ишлаётганларнинг эрта баҳордан буён қилган меҳнатлари зое кетмаслиги учун шикастланган майдонларга картошка, маккажўхори ва бошқа экинлар экишни тавсия этишди. Ҳозир хўжаликларни ана шу экинлар уруғлиги билан таъминлаш масаласи ҳал этилмоқда.

Бироқ пахтакорларни бошқа муаммолар ҳам ташвишга солмоқда.. Бериладиган уруғликнинг баҳоси қанча бўлади? Кўпинча ҳар йили кечки картошка уруғлигининг ҳар бир килограмми учун 70-80 тийиндан ҳақ тўланарди. Бунинг устига келтирилган уруғликнинг нави маълум бўлмасди, сифатидан кўнгил тўлмасди. Минг машаққат билан ҳосил етиштирган деҳқон унинг ҳар килограммини 20 тийин атрофида, нари борса 30-40 тийиндан сотишарди. Бу — бориб турган зарарнинг ўзи. Ундан кўра ғўзани қўшимча озиқлантириш йўли билан оз бўлсада пахта етиштирилгани афзал эмас-ми?

Яна бир муаммо: хўжаликлар ҳар йили суғурта (страхование) учун маълум миқдорда пул ўтказишади. Лекин табиий офат рўй берганда, унинг жуда оз қисминигина олишади. Экини зарарланган бригадаларнинг ўзларига зарарни қоплаш учун ҳақ тўланмайди. Йил охирида эса хўжаликнинг умумий даромади нақд бўлсагина ҳақ берилади. Бу — зарар кўрган пудратчи коллективларга унча тўғри келмайди. Бизнингча, пахтакорлар, айниқса пудратчи коллективлар мана шундай йил оғир келган пайтларда давлат суғурта ташкилотларидан бевосита ёрдам олсалар мақсадга мувофиқ бўларди.

Хоразмда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда оила ва ижара пудрати усули муайян даражада йўлга қўйилган. Лекин пудратчилар билан хўжалик маъмурияти ўртасида тузилган шартномада агар табиий офат рўй бергудек бўлса кўрилган зарар ўрнини қоплаш кўзда тутилмаган. Бизнингча, бу борада рўй бериб турадиган табиий шароитлар ҳам ҳисобга олиниши ва у шартномаларда ўз аксини топиши керак. Акс ҳолда одамларда хўжалик юритишнинг пудрат ва ижара усулларига ишонч йўқолиши мумкин.

К. РИХСИЕВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ А. БОЙМАТОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ РАССОМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Монументал ва дастгоҳли ҳайкалтарошликни ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси учун А. Н. Островский номли Тошкент театр-рассомчилик институти архитектура-декоратив пластика ва бадиий керамика кафедрасининг мудири — республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби ўртоқ Абдумўмин **Бойматов**га «Ўзбекистон ССР халқ рассоми» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий
Совети Президиуми
Раисининг ўринбосари
А. РОМАНОВСКИЙ.

Ўзбекистон ССР Олий
Совети Президиумининг
Секретари
Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри,
1989 йил 29 июнь.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Д. И. САЛИМОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ АРТИСТИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик самарали ишлари ва ўзбек ҳужжатли киносини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси учун Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудиясининг директори — республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби ўртоқ Даврон Исмоилович **Салимов**га «Ўзбекистон ССР халқ артисти» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий
Совети Президиуми
Раисининг ўринбосари
А. РОМАНОВСКИЙ.

Ўзбекистон ССР Олий
Совети Президиумининг
Секретари
Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри,
1989 йил 29 июнь.

СССР Олий Советининг биринчи сессиясида

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Минбарда — **В. Ф. Коновалов.** У бир-бири билан ўзаро боғлиқ ҳолда ишлаётган илмий-тадқиқот институтлари, конструкторлик бюролари, ишлаб чиқариш бирлашмалари ва комбинатлар, қурилиш ташкилотлари кирган министрликнинг структураси ҳақида сўзлаб берди. Тармоқнинг асосий вазифалари мудофаа техникасини ясаш ва яратишдан иборатдир. Бунга асосий эътибор берилади.

Биринчи навбатда атом станциялари учун буғ ўтказувчи қурилмаларни ишлаб чиқиш — иккинчи бир катта йўналишдир. Ҳозир, деди нотиқ, ана шу ускуналарни тайёрлайдиган корхоналар тармоққа қўшилмоқда. Бундан ташқари министрликка атом станцияларини ишлатиш топширилмоқда. Унинг фикрича, барча ишларнинг хавфсизлигини таъминлайдиган структурани вужудга келтириш зарур.

Министрликда конструкция материалларини ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган. Конверсия натижасида халқ хўжалигининг, жумладан сут саноатининг талаб-эҳтиёжлари тобора кенгроқ миқёсларда таъминланмоқда.

Сўнгра нотиқ тармоққа қарашли бўлган фундаментал илм-фан олдида турган вазифаларга тўхталди. Термоядро тадқиқотларида, юксак энергиялар ва элементар зарралар физикасида, лазер техникасида ва бошқа соҳаларда нотиқнинг фикрича, ёриб ўтишга эришиш зарур.

СССР министри лавозимига даъвогар ўз нутқининг бир қисмини тармоқнинг социал муаммоларни ҳал этишдаги иштирокига, халқ депутатларининг бошқа саволларига жавоблар қайтаришга бағишлади.

Депутатлардан **Е. П. Велихов, В. Д. Романенко, Н. Н. Прибилова, И. М. Богданов** В. Ф. Коноваловнинг номзоди ва тармоқнинг фаолияти тўғрисидаги фикрларини ўртоқлашдилар.

В. Ф. Коновалов кўпчилик овоз билан СССР атом энергетикаси ва саноати министри этиб тайинланди.

Депутат **Е. П. Велихов** министрликнинг аввалги номини, яъни СССР Ўрта машинасозлик министрлиги номини сақлаб қолишни таклиф этади.

СССР Министрлар Советининг Раиси **Н. И. Рижков** шу масала хусусида изоҳ берди.

Унинг фикрича, министрликда энг муҳими халқ хўжалигининг у ёки бу секторида амалга ошириш зарур бўлган ишларнинг мазмунидир. Шу нуқтаи назардан ёндашилган тақдирда Ўрта машинасозлик министрлигининг номини СССР Атом энергетикаси ва саноати министрлигига айлантириш ҳақидаги қарор тўғридир.

Мамлакатимизда номи ниқобланган иккита министрлик — Ўрта машинасозлик министрлиги билан Умумий машинасозлик министрлиги бор эди, деб таъкидлади Н. И. Рижков. Улар нима учун шундай деб аталганлигини тушуниш қийин.

Депутат Е. П. Велиховнинг таклифи овоз бериш йўли билан рад этилади.

Раислик қилувчи **А. И. Лукьянов** депутатларга шуни маълум қиладики, уларнинг истакларига мувофиқ сессиянинг секретариатида махсус ахборот-маълумот хизмати тузилган. Ленин номли давлат кутубхонасида биринчи навбатда депутатларга хизмат уюштирилган. СССР Олий Совети Секретариатининг кутубхонаси ҳам уларга хизмат қилмоқда.

СССР халқ депутатларига гражданларнинг таклифлари, аризалари ва шикоятларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги эслатма тарқатилганлиги маълум қилинди.

К. Ф. Катушевни СССР ташқи иқтисодий алоқалар министри қилиб тайинлаш тўғрисида таклиф киритилади.

К. Ф. Катушев ўз нутқида министрликнинг баъзи асосий вазифаларига тўхталди.

Биринчидан, деди министрликка номзод, ташқи иқтисодий комплекснинг бошқа қатнашчилари билан биргаликда давлатда ташқи иқтисодий фаолиятни бошқариш системасини вужудга келтиришни тугаллаш керак. Бу мамлакатда бўлган экспорт ресурсларидан оқилона фойдаланишга имкон беради.

Иккинчидан, Ташқи иқтисодий алоқалар министрлиги халқ хўжалиги тармоқларида рақобат қобилияти бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминлайдиган махсус экспорт ишлаб чиқаришларни ташкил этишга кўмаклашиш ниятидадир.

Учинчидан, ташқи иқтисодий фаолият ислоҳоти омилларини такомиллаштириш, уни бутун мамлакат экономикасини ислоҳ қилиш элементлари билан мувофиқлаштириш министрлик фаолиятининг энг муҳим йўналиши ҳисобланади. Давлат корхоналари коллективлари манфаатларини умумдавлат манфаатлари билан уйғунлаштиришни таъминлаш керак бўлади.

Давлат аҳамиятига молик моллар ишлаб чиқараётган, лекин бугунги кунда валюта тушумлари олмаётган корхоналар коллективлари аҳволини социал жиҳатдан тўғрилаш учун валюта тушумлари системасини ишлаб чиқишни ниҳоясига етказиш зарур, деб таъкидлади нотиқ. Давлат буюртмаларига мувофиқ маҳсулот экспорт қилаётган, ўз маҳсулотини қарзга ва текинга бераётган корхоналарга нисбатан ҳам худди шундай ишларни амалга ошириш керак. Хўжалик ҳисоби шароитида бу жуда ҳам зарур.

К. Ф. Катушев, шунингдек стратегик аҳамиятга молик маҳсулотларни — дон, озиқ-овқат молларини экспорт қилаётган Ватанимиз ишлаб чиқариш корхоналарини валюта ва валюта товарлари билан рағбатлантириш зарур, деб ҳисоблайди.

СССРнинг социалистик мамлакатлар билан алоқалари самарадорлигини ошириш ҳам устун вазифалардандир, деб таъкидлади нотиқ.

Депутатлардан **Г. И. Исаев, А. Н. Саунин, Е. У. Ким** тавсия этилаётган номзод тўғрисида ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

К. Ф. Катушев СССР ташқи иқтисодий алоқалар министри лавозимига тайинланади.

Раислик қилувчи Г. А. Габриэлянцни СССР геология министри қилиб тайинлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишни таклиф этади.

Министрликнинг келажак фаолияти концепциясини баён этиш ва депутатларнинг саволларига жавоб бериш учун **Г. А. Габриэлянц** минбарга таклиф этилади.

Мамлакатимиз ер остидаги минерал хом ашёнинг ҳамма турлари билан халқ хўжалигини таъминлаш ҳозир геология-қидирув тармоғининг бош вазифасидир, деди у. Давлат минерал хом ашёнинг кўпчилик турлари запаслари жиҳатидан дунёда биринчи ўринни эгаллаб турган бўлса ҳам, улардан бир қанчасини қийинчилик билан олмоқда. Нотиқнинг фикрича, кўпгина конлар олис истиқболдагина самара беражаги бунга сабаб бўлмоқда.

(ТАСС).

СССР Мудофаа министрлигида

4 июль куни қўшинларнинг шимолий группаси авиация қисмларидан бирида Польша Халқ Республикаси территорияси тепасида «Миг-23» қирувчи самолёти машқ қилиб пастлаб учаётганида авиация техникасининг носозлиги сабабли совет ҳарбий учувчиси катапульта ёрдамида парашютда ерга тушишга мажбур бўлди. Учувчи тирик қолди.

Самолёт бошқарилмаган ҳолатда Ғарб томонга учиб бораверди ва Бельгия территориясига қулади.

Совет томони ана шу учиш аппарати ҳаво йўлларидан ўтган давлатларнинг ҳукуматлари билан алоқа ўрнатмоқда.

● ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ОШКОРАЛИК ВА МАТБУОТ

СЎЗ МАСЪУЛИЯТИ

«ПРАВДА» ГАЗЕТАСИ РЕДКОЛЛЕГИЯ АЪЗОСИ, ПАРТИЯ ТУРМУШИ БЎЛИМИ РЕДАКТОРИ В. С. КОЖЕМЯКО БИЛАН СУҲБАТ

— Виктор Стефанович, одатда ҳамкасбларимиз партия турмуши темасида ижод қилишни қизиқарли эмас, деб ҳисоблашади. Сиз эса худди ана шу соҳада муваффақият билан қалам тебратяпсиз. Бунинг боиси нимада?

— «Правда» газетасида норасмий қоида бор. Ҳар бир мухбирнинг севган тематикаси, соҳаси бўлишидан қатъи назар, у партия бўлими билан мустаҳкам алоқада бўлиши лозим. 1963 йили мени «Правда»нинг Узоқ Шарқ бўйича мухбири қилиб ишга олишганда ҳам бу ҳақда дарҳол огоҳлантиришди. Бўлимга зўр иштиёқ билан мунтазам ёзиб турдим. Москва давлат университетида ўқиб юрган кезларимдаёқ инсон тақдирига, социал масалаларга кўпроқ қизиқардим. Партия турмуши бўлими тематикаси мендаги ана шу интилишни рўёбга чиқариш учун катта имкониятлар берди. Кейинчалик редакция аппаратига — худди шу бўлимга ишга олишди. Мана, анча йиллардан буён бўлимни бошқаряпман.

Журналист фаолиятига энг тўғри ва ҳаққоний баҳони газетхонлар беради. Ҳар бир мақола ўқувчини тарбиялаши ва маълум даражада билим бериши лозим. Бу — жуда масъулиятли иш. Шу туфайли ҳам ҳар гал янги мақолани ёзишга қийналаман. Материаллар тўпланган, вақт ҳам етарли бўлади-ю, лекин ёзишга кириша олмайман. Сабаби кўз ўнгимда юзлаб синчков газетхонлар гавдаланади. Улар олдидаги масъулият мени хомхатала мақола тайёрлашдан сақлайди. Шу боисдан материални эринмай қайта-қайта ишлайман. Мақола эълон қилингач ҳам кўнглим тинчимайди. Фақат газетхонлардан хатлар кела бошласагина таскин топаман. Тўғри, улар орасида менинг нуқтаи назаримга қўшилмайдиганлари ҳам бўлади. Лекин аксарият ўқувчилар қўллаб-қувватлашади, янги мақола учун мавзулар, мисол ва маслаҳатлар беришади. Агар материалим етарли акс-садо бермаса, ўз ишимдан қониқмайман.

Имконият бўлганда шакл ва услубда, мазмунда янгилик ахтариб марказий ва маҳаллий газеталар тахламларини варақлашни ёқтираман. Ўшанда айрим матбуот органларида партия ҳаётига оид материаллар ҳисобот тарзида, қуруқ расмий тилда ёзилганлигини кўриб хафа бўлиб кетаман. Наҳотки, одамлар ҳақида, уларнинг меҳнат ва турмуши, дунёқараши, орзу ва умидлари, талаб ва истаклари ҳақида шундай ҳиссиз-туйғусиз ҳикоя қилинса? Менимча, ушбу тематика шунчалик жозибали ва ранг-барангки, уни ёритишда журналистиканинг барча жанрларидан муваффақият билан фойдаланиш мумкин. Газета чиқиши қайси мавзуда бўлмасин одамларни ўйлантирган, ҳаяжонга солган долзарб муаммога бағишланиши лозим. Ана шунда мақола газетхон эътиборини ўзига жалб қилади, уни фикрлашга, шахсий нуқтаи назарини айтишга ўргатади. Бу мунозараларнинг аҳамияти катта. Биринчидан, муҳокама чоғида одамларнинг ижтимоий активлиги ошиб боради, иккинчидан мунозара қилинаётган масала юзасидан кўпчиликнинг фикрини ифода этган энг тўғри ва одил хулоса қилинади. Кузатиб бораётган бўлсангиз, ҳозирги вақтда «Правда» мухбирлари Н. Кожанов ва Н. Кривомазовнинг Красноярск коммунистлари билан ўтказган суҳбати («Этика и честь коммуниста» — «Коммунист аҳлоқи ва виждони» 14. 02. 1989 йил) газета саҳифасида кенг муҳокама қилинаётир. Мен тайёрлаган («Зачем тебе партбилет?» — «Партия билети қандай имтиёз беради?» 24. 04. 1989 йил) публицистик мулоҳазаларим юзасидан ҳам газетхонлар фикр билдиришмоқда.

— Айтмоқчи, Сиз тилга олган ҳар икки мақола ҳам «Из партии вышел?» «Партия сафидан чиқди?» (12. 08.1988 йил), «Жестокость» «Шафқатсизлик» (9. 11. 1988 йил) сарлавҳали материаллар каби партиядошлар орасидаги муносабатларга, коммунистнинг маънавиятига бағишланади. Уларда демократия ва ошкоралик даврида КПСС аъзосининг шахсий позицияси қандай бўлиши кераклиги ҳақида мунозара юритилади. Ҳозир партия сафидан ўз ихтиёри билан чиқаётганлар бор. Баъзилар бу ҳолатни Коммунистик партиянинг гўё обрўси тушиб кетаётганлиги билан изоҳлашмоқда. Сизнинг фикрингиз қандай?

— Партиянинг обрўси тушиб кетди, деган фикрга қўшилмайман. Аксинча унинг обрўси назаримда анча ошди. Мамлакатимиздаги, партия ичидаги ижобий жараёнларни КПССнинг ўзи бошлаб берди. Жамиятимизда кўп йиллардан бери йиғилиб ётган сиёсий, иқтисодий ва социал муаммоларни, салбий ҳолатларни партиянинг ўзи дадил фош қилди, уларни бартараф этиш йўлларини кўрсатиб берди.

Партия билетини ихтиёрий топшириш ҳолига биринчи марта ўтган йили дуч келдим. Мамлакатимизнинг шимолидаги Колугев оролида ишловчи инженер В. А. Агутенков редакцияга йўллаган хатида нефтчилар коллективи раҳбариятининг нуқсонлари ҳақида ёзиб, конвертга... партия билетини ҳам солиб юборганди. Бу воқеа мени қаттиқ ҳаяжонга солди. Дарҳол ўша адрес бўйича йўлга тушдим. Агутенков мактубида тилга олган камчиликлар ва муаммолар ҳақиқатан ҳам бор эди. Бироқ у нуқсонларга қарши курашнинг ғайритабиий йўлини танлади. Яъни партия билетини ихтиёрий топшириш билан кўпчиликнинг эътиборини ўзи дуч келган муаммоларга қаратмоқчи бўлди. Суҳбатимиз давомида унинг ўзи ҳам аъзолик билетини топшириб хато қилганлигини тан олди. Агутенков коммунистлардан бунинг учун кечирим сўради, у жиддий партиявий жазо билан КПСС сафида қолдирилди.

КПСС аъзоларининг ихтиёрий равишда аъзолик билетини топшириш ҳолатини бир оғиз гап билан изоҳлаш қийин. Улар орасида шахсга сиғиниш ва турғунлик йилларида рўй берган қувғин қилиш ва бошқа салбий ҳодисалардан таъсирланганлари ҳам, бугунги кунда айрим партия ходимларининг фаолиятидаги маъмуриятчилик-буйруқбозлик услубларидан азият чекканлари, порахўр раҳбарлардан нафратланиб, партияга ишончини йўқотганлари ҳам бор. Шунингдек, партия сафига тасодифан кириб қолганлар ҳам йўқ эмас. Улар партия билетини топширишлари учун хусусий характерга эга бўлган кичкинагина баҳона кифоя. Чунончи Арманистоннинг Арарат районида яшовчи ўқитувчи Л. Саргасян ана шундайлар тоифасидан. Мактаб директори унинг қизини ишга олмаганлиги учун коммунист ўқитувчи норозилик тариқасида партия билетини редакцияга жўнатибди. Нима ҳам дейиш мумкин. Партия бундай қатъиятсиз ва қадриятсиз одамлардан халос бўлишдан фақат ютади. Бу борада ўз вақтида В. И. Лениннинг айтган сўзларини эсланг. У биз партия сафини ҳаддан ташқари кўпайтиришдан чўчиймиз. Зеро раҳбар партияга амалпарастлар ва ўткинчилар суқилиши шубҳасиз, деб айтганди. Сир эмас, бизда бюрократизм, хўжасизлик, коммунистик такаббурлик ўзгалар тақдирига бефарқлик илдиз отган. Буларга қарши кураш учун коммунист матонатли ва дадил бўлиши керак. Бўлимимиз эълон қилаётган материалларда, газетхонларнинг мактубларида асосан коммунистлар ана шундай хислатларга эга бўлишига даъват этилади.

Жамиятимизда юз бераётган соғломлаштириш жараёни, шубҳасиз партиямизда ҳам кечмоқда. КПСС жонли организм сифатида ўз маънавияти ва аҳлоқига путур етказган тасодифий шахслардан халос бўлишга интилиши табиий ҳолдир. Ҳозир коммунистлар ва партиясизлар КПССнинг обрўсини сақлаш мақсадида партияга қабул тартибини қайта кўриб чиқишни талаб қилмоқдалар. Бўлажак коммунист номзоди меҳнат коллективи, кенг жамоатчиликнинг синчков назаридан ўтказилмоқда. Партия органларига сайловлар ўтказишда ҳам ошкоралик ва демократияга амал қилинаётир. Бундай ёндашув коммунистларнинг ижтимоий активлигини ошириб, партия сафларининг софлигини таъминлаётир. Мана бу мактубга эътибор беринг: «Биз қарийб 40 йилдан бери партия аъзосимиз, — деб ёзади москвалик эр-хотин Гавриловлар. — меҳнатсиз, қадрдон коллектив ва жамоатчиликсиз ўзимизни тасаввур қилолмаймиз. Биздаги бу хислатлар партияга мансубликдан деб биламиз. Бироқ партиядаги бугунги аҳволдан ташвишдамиз. Икки фарзандимиз бор. Улар ҳам КПСС аъзоси. Тўнғич қизимиз партияга белгиланган тақсимот бўйича комсомол орқали қабул қилинди. Кичиги ҳам жуда осонгина аъзо бўлди. Куни кеча катта қизимиз партия билетини топширмоқчи эканлигини айтиб қолди. У партия ходимларининг порахўрлиги, давлат ва халқ мулкига хиёнат қилаётганларидан таъсирланибди. Партияга нима мақсадда киргандинг, деб сўрадик. Аниқ жавоб беролмади. Фарзандларимизнинг тарбияси ёмон деёлмаймиз. Ишда, жамоатчилик ўртасида, оилада ўзларига яраша обрўлари бор. Гап бошқа ёқда. Партия сафига қабул қилинаётганда номзоднинг ғоявий-сиёсий етуклигига жиддий аҳамият берилмаяпти. Шу боисдан ҳам баъзилар жамиятимиздаги, партия ичидаги қийин вазиятларни тўғри англаб етиб, белни маҳкам боғлаб курашадиган пайт келганда чекинишмоқда...»

КПСС ўз сафига ҳамфикр, маслакдошларни бирлаштирган. Бироқ коммунистлар орасида эътиқоди, дунёқараши, сиёсий онги саёзлари ҳам бор. Покланиш жараёни партия сафига тасодифан кириб қолган, журъатсиз ва иродасизлар, ҳомийлари ҳимоясида юқори лавозимларни эгаллаб олган амалпараст ва буйруқбозларни фош этмоқда. Бу — замон талаби.

— Республикамиз газетхонлари сизнинг ўтган йили 9 ноябрда «Правда»да эълон қилинган «Жестокость» — «Шафқатсизлик» сарлавҳали мақолангизни яхши эслашади. Кўпчилик мақоланинг ёзилиш жараёни ва газета саҳифасига сиғмай қолган шахсий мулоҳазаларингизни билишга қизиқади.

— Бўлимимизга келаётган хатлар орасида шикоятлар ҳам оз эмас. Афсуски, журналистлар худди ўт ўчирувчилар каби ҳар бир ташвишли хабар ортидан дарҳол учиб бориш имкониятига эга эмаслар. Шу туфайли ҳам биз шикоятларнинг аксариятини текшириш ва чора кўриш учун жойлардаги партия, совет ва хўжалик органларига юборишга мажбурмиз.

Лекин шундай хатлар бўладики, уни бир марта ўқигандаёқ вужудинг титраб кетади, ҳақиқат оёқ ости бўлганини, кимнингдир инсоний ҳуқуқи, ор-номуси топталганини аниқ ҳис этасан-у, зудлик билан йўлга тушасан. Каирбек Оразгелдинов опаси Шолпаннинг сўнгги хатини редакцияга олиб келганда мени шундай ҳолат чулғаб олди. Қозоғистон Компартияси Жақси район партия комитетининг иккинчи секретари Шолпан Оразгелдинова туҳматга чидай олмай, ўз жонига қасд қилганди. Мақолани ўқиган бўлсангиз керак, мазмунини такрорлаб ўтирмайман. Уни тайёрлаш жараёнида анча қийинчиликлар бўлди: прокуратурадаги бир қанча ишлар, турли справкалар билан танишдим, кўплаб одамларнинг суҳбатини олдим. Ана шу командировка пайтида бир нарсадан қаттиқ таъсирландим. Кўпчилик ўртасида ўйламасдан (балки қасддан) айтилган бир оғиз сўз туфайли район раҳбарларидан бири ҳаётдан кўз юмди. Бу ҳол партия комитетида фавқулоддаги ҳодиса сифатида жиддий муҳокама қилиниб, партиядошлар орасидаги ўзаро муносабатни яхшилаш, сиёсий мунозара маданиятини оширишга қаратилган аниқ тадбирлар ишлаб чиқилиши лозим эди. Бироқ райкомнинг биринчи секретари А. Докалов собиқ сафдоши ҳақида **«демократия ва ошкоралик жараёнида танқидни тўғри қабул қилолмади»** деган фикрни айтди. Наҳотки у танқид билан туҳматни ажрата олмаса?! Бошқа район ва область раҳбарлари ҳам бу ҳодисани тезроқ эсдан чиқаришга ҳаракат қилишди.

Шолпон учун кўп нарса керак эмасди. У ўзини имзосиз хатлар ёзишда айблаган коммунистнинг кўпчилик ўртасида кечирим сўрашини истарди холос! Фақат бир оғиз сўз... Партиявий виждонини доимо пок сақлаган аёл учун бу жуда муҳим, ҳаёт-мамот масаласи эди. Бироқ партиядошлари уни тўғри тушунишмади, инжиқликда, танқидни ҳазм қилолмасликда айблашди. Атрофидагиларнинг бефарқ ва бемеҳрлиги софдил инсонни ҳаётдан бездирди. Шолпонга тириклигида ҳам, ўлимидан кейин ҳам шафқатсизлик қилишди.

Ўзгалар тақдирига бефарқлик касали бизга қаердан юқди?

Меҳру шафқат, ғамхўрлик қаёққа йўқолди? Ахир мана шу халқ эмасми, қаҳатчилик пайтлари сўнгги бурда нонини қўшнисининг очликдан силласи қуриган боласига илинган, шу халқ эмасми, уруш йиллари устидаги битта-ю битта пахталик чопонини ечиб фронтга юборган, шу халқ эмасми, жангу-жадал пайтида сафдошларини кўксини қалқон қилиб ҳимоя қилган. «Шафқатсизлик» мақоласини ёзиш пайтида мен мана шулар ҳақида ўйлагандим. Шу жиҳатдан олганда Фарғонадаги воқеалардан қаттиқ ташвишдаман. Бу ўринда ҳам яна ўша меҳру-оқибатнинг йўқолиб бораётганлиги эсга тушади. Менимча маҳаллий партия ва совет ташкилотлари яна воқеалардан ортда қолдилар. Келишмовчиликларни дарҳол бартараф этиш ўрнига бепарволик қилиниб, вазият қўлдан бой берилди. Натижада низо чуқурлашиб кетди. Мен 1965 йили Фарғона водийсига борганман. Бу «Правда» газетасидаги биринчи йўлланмам эди. Ўз вақтида Ю. Фучикнинг эътиборини жалб қилган машҳур пахтакор аёл Тожихон опа Шодиева ва ленинградлик ишчилар билан дўстона алоқа ўрнатган қувасойлик деҳқонлар ҳақида ёзганман. Ўшанда очиқ кўнгил, бағри кенг фарғоналиклар ақл-заковат билан иш қилишларига, қардошлик анъаналарини қадрлашларига ишонч ҳосил қилгандим. Ҳозир ҳам фикрим шундай.

— Виктор Стефанович, танқид учун таъқиб қилинганмисиз?

— Бўлмаса-чи. Тили аччиқроқ журналистнинг ҳар бири бу синоатни ўз ҳаётида неча марталаб синаб кўрган деб ўйлайман. Бир воқеани гапириб берай. Университетни тугатиб «Рязань комсомоли» газетасида бўлим мудири бўлиб ишлаётган пайтимда сунъий тола ишлаб чиқариш заводидан танқидий материал уюштиргандим. Унда завод раҳбарларининг жиддий камчиликларини очиб ташлаган комсомол аъзоси Свинарев ҳимоя қилинганди. Мақола эълон қилингандан сўнг тўс-тўполон, текшир-текшир бошланди. Комиссиялар завод маъмурияти фаолияти бир ёқда қолиб, ўша комсомол йигит ва менинг устимдан факт тўплашарди. Бу ишга шаҳар партия комитети, ҳатто область партия комитети ҳам аралашди. Хуллас, **гўзал воқелигимизни бузиб кўрсатган»** мухбир лавозимидан пасайтирилди. Менинг ҳамфикрларим Свинарев ва корхона бош бухгалтери Гуйслар ҳам азият чекишди.

Ҳақиқат учун курашиш ҳамиша оғир. Ўшанда газетачиликдан бутунлай кетиш ҳақида ўйлаган пайтим ҳам бўлган. Лекин ҳамкасбларим далдаси билан курашни давом эттирдим. КПСС Марказий Комитетига мурожаат қилиш билан адолатни қарор топтирдик. «Правда»да ҳам бундай вазиятлар бўлиб туради. Учта мақолам юзасидан судда жавоб берганман. Хуллас, танқид кимга ҳам ёқарди, дейсиз. «Озор чекканлар» бошқа йўлини топиша олишмаса, ҳеч бўлмаганда ҳамтовоқлари ёрдамида туҳмат уюштиришади ёки телефонда ҳақорат қилишади. На илож, касбимиз шу экан, чидашга тўғри келади. Энг муҳими виждонга хиёнат қилмасликдир.

— Бўлимингиз фаолияти, ходимлар билан муносабатингиз ҳақида сўзлаб берсангиз?

— Юқорида таъкидлаганимдек, партия турмуши редакциянинг етакчи бўлимларидан ҳисобланади. Бўлимнинг Н. Кожанов, В. Логинов, Ю. Махрин, Н. Ляпоров, И. Подсвиров, А. Петрушев каби тажрибали журналистларини газетхонлар яхши билишади. А. Шинкин ва Н. Демидовдек талантли ёшларимизнинг маҳорати ҳам кундан-кунга ошиб бораяпти.

Ижодкор учун энг аввало эркинлик, яхши кайфият зарур. Шу туфайли ҳам бўлимда дўстона муносабат, ижодий муҳит яратишга интиламан. Иш планларимиз бўлим ходимлари ва жойлардаги мухбирларимиз иштирокида, асосан уларнинг таклифлари замирида тузилади. Кўпдан бери амал қилинаётган бу усул ўзини оқлаб келмоқда. Тайёрланган ҳар бир материал автори ким бўлишидан қатъи назар деярли барча бўлим ходимлари томонидан ўқилади. Бу мақоланинг пишиқ-пухта бўлишига ёрдам беради.

Касбимиз кўпроқ ўқишни, ўрганишни тақозо этади. Бизнинг асосий дарсликларимиз партия ва ҳукумат ҳужжатларидир. Партия турмуши бўлими ходими сиёсий, иқтисодий, ва социал масалалардан, фан ва техника, маданият, адабиёт ва санъат соҳасидаги янгиликлардан воқиф бўлиши мақсадга мувофиқдир. Табиийки, буларнинг ҳаммасини ўрганишга вақт етмайди. Шу боисдан кўпинча энг муҳим нарсаларни танлаб ўқиб, қолганларини эса турли соҳа мутахассислари билан бўладиган суҳбатлардан ўрганишга тўғри келади. Шундай бўлсада, энг зукко ўқитувчи — ҳаёт деб биламан. Ҳар қандай университет журналистга ҳаётнинг ўзичалик пухта сабоқ беролмайди.

— Шахсга сиғиниш, турғунлик йилларидаги иллатларни танқид қилишга қандай муносабатдасиз. Назаримда айрим матбуот органлари ўтмишни қоралашга берилиб кетиб, қайта қуришнинг, бугунги кунимизнинг долзарб муаммоларини эътибордан четда қолдиришаётганга ўхшайди.

— Ўтмишни танқидий таҳлил қилиш фойдали. Бу нарса илгариги хатоларимизни яна такрорламаслик учун зарур. Лекин, ҳамма нарсада ҳам меъёр бўлгани яхши. Кечаги хатоларни танқид қилиш бугунги ишларни таҳлил қилишдан осонроқ. Баъзи матбуот органлари ва журналистлар ўтмишимизга қора чаплашга ҳаддан ташқари берилиб кетишяпти. Ҳатто воқелик бўрттириб, айрим ҳолларда бузиб кўрсатилмоқда. Журналистика математика сингари аниқ фан эканлигини унутиш ярамайди. СССР халқ депутатларининг съездида мамлакатимиздаги социал-иқтисодий ва экология муаммолари, халқимизнинг дарди, ташвиш ва ўйлари тилга олинди. Съезд материаллари биз — журналистлар учун янги-янги мавзулар берди. Ҳозир қайта қуриш фидокорлари ва партия ташкилотлари иш услубларидаги янгиликлар ҳақида кўпроқ ёзиш керак. Хўжалик юритишнинг янги усулларини жорий этишда муайян қийинчиликлар мавжуд. Хўжасизлик, бошбошдоқлик, буйруқбозлик каби иллатлар экономикамиз ривожига ҳамон жиддий тўғаноқ бўляпти. Матбуот ходимлари асосий эътиборни ана шу муаммоларга қаратишлари зарур.

— Хат—ҳаёт кўзгуси. «Правда»га Ўзбекистондан ҳам кўплаб хатлар келади. Уларни ўқиб республикамизнинг бугунги куни ҳақида қандай тасаввурда бўляпсиз?

— Ўзбекистондаги воқеаларни доимо гоҳ ачиниш, гоҳ шодонлик билан кузатиб бораман. Хатларнинг гувоҳлик беришича, республикада қайта қуриш иши жиддий қийинчилик билан бораётган бўлса-да, одамларнинг ижтимоий активлиги ошаётганлиги сезилади. Хат муаллифлари партия ва совет ташкилотлари ишига, ҳар бир коммунист фаолиятига талабчанлик билан ёндашадилар. Газетхонлар аксарият ҳолларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда ленинча принциплар бузилаётганлигини (бу хатолар кўпинча район партия комитетларига тааллуқли) хабар қилишади. Айрим жойларда қўшиб ёзиш, мансабини суиистеъмол қилиш ҳоллари давом этаётганлиги, партия, совет ва хўжалик органлари раҳбарлари халқ билан алоқани узиб қўйганлиги кўпчиликни ташвишга солади. Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Чирчиқ, Ангрен шаҳарларидан келаётган мактубларда саноат корхоналарининг раҳбарлари ҳамон маъмуриятчилик, буйруқбозлик усулига зўр беришиб, меҳнат коллективи кенгашларини менсишмаётганлиги каби салбий ҳоллар ҳақида маълумотлар анча.

Айниқса суд, прокуратура ва ички ишлар органлари ишидан норози бўлаётганлар кўп. Шунингдек, газетхонлар халқ истеъмоли моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллигидан ташвиш чекишмоқда. Чироқчи районидаги Довтош қишлоғи аҳолиси «Правда»га район қишлоқларидаги мактаб биноларининг талабга жавоб бермаслиги ҳақида ачиниш билан ёзишган. Экологик вазиятнинг кескинлашуви, пахта яккаҳокимлигининг салбий оқибатлари ҳам хатларда ўз аксини топган. Бир сўз билан айтганда, республиканинг социал-иқтисодий аҳволи мураккаб. Бу СССР халқ депутатлари съездида ҳам айтиб ўтилди. Вазиятни яхшилаш анча куч-ғайрат, кескин чоралар кўришни талаб этади. Бунинг учун назаримда КПСС Марказий Комитетининг март Пленумида таъкидланганидек, биринчи галда, қишлоқ аҳолисига ёрдам қўлини чўзиш зарур. Республикадаги мураккаб социал масалаларни ҳал этиш учун, аввало пахта ва Орол муаммосига ижодий ёндашиш лозим деб ўйлайман.

— Сўнгги пайтларда айрим матбуот органлари (жумладан, «Огонёк», «Дружба народов», «Молодая гвардия» каби журналлар) баъзи масалаларда «Правда»нинг нуқтаи назарини инкор этишмоқда. Бироқ редакция кўпинча уларга жавоб бермаяпти.

— Бундай саволни бошқалар ҳам беришади. Биласизми, «Правда» ҳамиша мутлақ ҳақиқатни айтади, деб кафолот беришнинг ўзи қийин. Ҳақиқат мунозараларда, қизғин фикр алмашувларда туғилади. Ҳозирги демократия шароити плюрализмни (фикрлар хилма-хиллиги) ривожлантирмоқда. Бу ҳол матбуот органлари ўртасида ҳам мавжудлигини табриклаш керак холос. «Правда» газетаси принципиал масалаларда ўз позициясини қаттиқ туриб ҳимоя қилади. Масалан, «Советская Россия» газетасида эълон қилинган ленинградлик Нина Андрееванинг хатига дарҳол жавоб берилди. Лекин буни «Правда» ўзига қарши чиққан ҳар қандай матбуот органи ёки шахснинг оғзига уради, деб тушунмаслик керак. Биз ўз фикримизни айтиш билан бирга ўзгаларнинг мулоҳазаларини ҳам тинглашга ўрганишимиз лозим. Социалистик плюрализм, мунозара маданияти шуни тақозо этади. Бироқ фикрлар эркинлиги дея, матбуот саҳифаларида чуқур ўрганилмаган ва пухта текширилмаган фактларни баён қилиш, одамларнинг фаолиятига нотўғри баҳо бериш ярамайди. Ҳозир ана шундай хатолар учун кўпгина матбуот ходимлари расмий равишда узр сўрашга мажбур бўлишяпти. Яқинда эълон қилинадиган матбуот ҳақидаги Қонун журналистнинг бу борадаги масъулиятини оширади. Шу боисдан ҳамкасбларимни ҳар бир сўзни ўйлаб ишлатишга, яъни «етти ўлчаб бир кесишга» ундайман. Чунки айтилган сўз — отилган ўқ.

— Суҳбатимиз сўнггида ёқутистонлик газетхон Н. Акишевнинг мактубидан парча келтираман: «В. Кожемяконинг публицистик чиқишлари социализм принциплари ва инсонийлик қадриятларига ғов солаётган ҳар қандай иллатларга қарши аёвсиз зарба беради». Бу фикр кўпчилик газетхонларнинг дилидаги сўзлардир. Сизга ана шу хайрли ишингизда катта муваффақиятлар тилайман.

— Раҳмат! Мен ҳам ўзбекистонлик ҳамкасбларимга шундай истак билдираман.

Суҳбатни «Совет Ўзбекистони» махсус мухбири А. РАҲИМБЕРДИЕВ олиб борди.

МУРОЖААТНОМА

Қадрли оналар ва опа-сингиллар!

Ўзбекистон Хотин-қизлар кенгашининг фаол аъзолари сизларга, қалби кенг, раҳм-шафқатли оналар ва опа-сингилларга мурожаат этмоқдалар.

Ҳар бир инсон учун аёл ҳамиша азиз ва ҳамиша қадрдондир. Биз тилга кириб, биринчи айтадиган сўзимиз «она» сўзидир. Онамиз бўлган меҳнаткаш аёл Ер юзида тинчлик, омон-эсонлик, хонадондаги бахт-саодат ва осойишталик рамзидир. Ажойиб совет хотин-қизлари Ватанимиз тарихига кўплаб шонли саҳифалар битишган. Мамлакатимизда қайта қуриш учун, Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси, СССР халқ депутатлари биринчи съезди қарорларини амалга ошириш учун долзарб, инқилобий кураш авж олган ҳозирги вақтда хотин-қизларнинг роли, айниқса, буюкдир.

Аммо совет жамиятининг покланиши ва янгиланишига халақит беришга интилаётган кучлар ҳам бор. Бу кучлар пайдо бўлган қийинчиликлар билан чайқовчилик қилиб, олға қараб қилаётган ҳаракатимиз йўлини тўсишга, бизни орқага қайтаришга уринмоқдалар. Миллатчилик васвасасига тушган ана шу кучлар буюк Иттифоқимизнинг муқаддас қадриятларидан бири бўлган халқларимизнинг қардошларча дўстлигига қўл кўтардилар.

Носоғлом эҳтирослар авжига чиқаётган бир вақтда республикамизнинг хотин-қизлари бефарқ қараб тура олмайдилар. Фарғона областида содир бўлган мудҳиш воқеа тинчликка қарши, инсонийликка қарши, дўстлик ва қардошликка қарши даҳшатли жиноятдир. Қон тўкилди, минг-минглаб одамлар азоб-уқубат чекмоқдалар. Миллатидан қатъи назар оналар бошига беқиёс оғир кулфат тушди. Оналар ўз фарзандларини оқ ювиб, оқ тараб ўстирар эканлар, уларга бахт-саодат, ширин ҳаёт тилайдилар. Қотиллик она табиати билан сира-сира чиқиша олмайди. Эрларимиз, ака-укаларимиз, фарзандларимиз қўшниларга қўл кўтаргудек бўлишса, наҳотки биз аёллар уларнинг йўлини тўсмаймиз? Биз, ёшлар баъзан тушуниб, тушунмай қилган хатти-ҳаракатларни биродаркушликка йўналтириб юборган кимсаларни қаттиқ қоралаймиз.

Республикада муаммолар кўп, ёшларга тааллуқли муаммолар ҳам бор, албатта. Бу масалалар тўсатдан пайдо бўлгани йўқ ва уларни ҳал этиш учун вақт зарур бўлади. Лекин, бу муаммоларни миллатлараро нифоқни авж олдириш йўли билан эмас, балки ақл-идрок билан, инсоний ҳал этиш керак. Оиладаги, ишдаги ва жамиятдаги маънавий психологик муҳит кўп жиҳатдан сиз билан бизга, яъни хотин-қизларга боғлиқдир. Гўдакларимизга она сути билан фақат ҳаёт қувончларигина эмас, шу билан бирга бизнинг эътиқодимиз, маслагимиз, ҳаётий позицияларимиз ҳам ўтади.

Ўлкамизнинг интернационализм анъаналари бой, дўстлик, ўзаро ёрдам, раҳм-шафқат ва иззат-ҳурмат бизнинг асосий қонунимиз эди, ҳозир ҳам шундай ва бундан буён ҳам ана шундай бўлади. Урушнинг беомон йилларида саховатли ўзбек замини неча юз минглаб етим қолган болаларнинг бошини силади. Барча иттифоқдош республикалардан келган қардошларимиз зилзила сабабли вайрон бўлган Тошкент ва Газли шаҳарларини тикладилар. Биз, кўпмиллатли Ўзбекистоннинг хотин-қизлари ўз қадрдон уй-жойларидан бош олиб чиқиб кетган кишиларга ҳозир нечоғлик қийин бўлаётганини дил-дилдан сезиб ва тушуниб турибмиз. Қувончли онларда ҳам, бошимизга кулфат тушганида ҳам биз ҳеч қачон миллатинг нима деб сўрамаганмиз, ҳамиша бир-биримизнинг мададимиз ва ёрдамимизга суянганмиз.

Наҳотки, ҳозир буларнинг ҳаммасини унутиш мумкин бўлса? Оналар болалар дилига эзгулик ва иноқлик уруғларини сочишлари лозим. Биз бугун барча оналарга мурожаат қилиб айтамизки, болалар сиздан дўстлик ва қардошлик, инсоний қадриятларни асраб-авайлаб сақлаш сабоғини олишсин. Миллий нифоқнинг авж олиб кетишига йўл қўймаслик, болаларни бебошликдан асраб-авайлаш, уларга ҳаётда ўз йўлларини топиб олишга ёрдам бериш, фарзандларни ҳар бир халқнинг бебаҳо мулки бўлган эзгу анъаналар руҳида тарбиялаш ҳар бир онанинг бурчидир.

Биз эркакларга — оталаримиз, эрларимиз, ака-укаларимизга мурожаат қиламиз. Йигитлар, оилада сизлардан ўрнак олишади, катталарга яъни сизларга тақлид қилишади.

Ҳозир сизнинг зиммангизга катта масъулият тушган. Сизнинг донолигингиз ва ақл-идрокингиз, миллатлараро эҳтиросларни тўхтатишга чорловчи мардона сўзингиз йигитларни ножўя хатти-ҳаракатлардан тўхтатиб қолиши мумкин.

Шунга аминмизки, ҳеч ким четда турмаслиги керак. Келинг, сўзда эмас, балки амалда халқларимизнинг буюк интернационал дўстлигини асраб-авайлайлик ва мустаҳкамлайлик.

МУРОЖААТНОМА ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН МАЖЛИСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.

СУРАТДА: Киров район «Бешариқ» совхоз-техникуми «Октябрь 40 йиллиги» бўлими сут соғувчиси, район партия комитетининг бюро аъзоси, «Ҳурмат Белгиси» ордени нишондори, моҳир чорвадор, қишлоқ Советининг депутати Ҳалима Назарматова. У ўзига бириктилган 20 бош сигирдан 4.100 литрдан сут соғиб олиш мажбуриятини олган. Кунига ҳар бир сигирдан 12—13 литрдан серқаймоқ сут соғиб олмоқда.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ сурати.

ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ

СССР Ички ишлар министрлигининг матбуот марказида

СССР Ички ишлар министрлигининг Фарғона областида фожиали воқеалар содир бўлган дастлабки кунлардаёқ тузилган матбуот марказига ҳар куни кўплаб саволлар тушиб турибди. Одамларни шу кунлардаги вазият ва бу вазиятни барқарорлаштириш ҳамда барча миллатларга мансуб гражданларнинг осойишталигини таъминлаш учун кўрилаётган тадбирлар қизиқтирмоқда.

ЎзТАГ мухбири В. Татаринов матбуот маркази вакили А. И. ТАЦИТОВ билан учрашиб, матбуот марказининг фаолияти тўғрисида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Кимки идорамизга мурожаат қилса, илтифотсиз қолмайди, гражданларнинг совет кишиларининг юксак интернационализм туйғуси, областдаги ишлар аҳволидан ташвишга тушаётганидан далолат берувчи барча саволларига нуфузимиз ва имкониятимизга кўра жавоб беришга интиляпмиз, — деди Александр Иванович. — Матбуот маркази маҳаллий партия ва совет органлари билан мустаҳкам алоқада ишламоқда, шаҳарлар ва районлардан келаётган ахборотларни синчиклаб текширмоқда, шу кунлардаги вазият ҳақида жамоатчиликни, оммавий ахборот воситалари вакилларини хабардор қилмоқда. Деярли ҳар куни брифинглар ўтказилмоқда, журналистлар июнь ойида содир бўлган фожианинг сабаблари ва тафсилотларини, қотиллик, босқин, ўт қўйиш ва бошқа жиноятларда айбдор бўлган кишиларни аниқлаш билан машғул бўлган оператив тергов аппарати мутахассислари билан учрашмоқдалар.

СССР Ички ишлар министрлигининг раҳбарлик состави — СССР Ички ишлар министрлиги ички қўшинлар қўмондони Ю. В. Шаталин, мамлакат жиноят қидирув бош бошқармаси бошлиғи В. К. Панкин, Ўзбекистон ССР ички ишлар министрининг ўринбосари Э. А. Дидоренко ва бошқалар оммавий ахборот воситалари ходимлари билан мунтазам учрашиб турибдилар.

Журналистларнинг илтимосига кўра, матбуот марказида тартибсизликларнинг пайини қирқиш чоғида жанжалкашлардан тортиб олинган ўқ отар қурол ва пичоқ-ханжар, содир этилган жиноятларнинг ашёвий далили бўлган ёндирадиган модда солинган шишалар, турли металл буюмлар ва шунга ўхшаш нарсаларнинг кўргазмаси ташкил этилган.

— Ҳозир Фарғона областида вазият қандай?

— Партия ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, СССР Ички ишлар министрлиги ички қўшинларининг ҳарбий хизматчилари кўрган чора-тадбирлар туфайли вазият умуман нормаллашди, асосан осойишталик ва тартиб ўрнатилди. Шу муносабат билан 27 июнь куни комендантлик соати қисман бекор қилинди. Шаҳарлар ва районларнинг кўчалари анча гавжум бўлиб қолди. Саноат корхоналари, савдо ва умумий овқатланиш муассасалари, медицина муассасалари ишлаб турибди. Кинотеатрлар очилди. Далаларда донли экинлар ўрим-йиғими тугамоқда. Ғўза парвариши давом этмоқда. Бозорларда мева ва сабзавот савдоси авжига чиққан. Ўзбеклар, тожиклар, руслар, яҳудийлар, бошқа миллатларга мансуб кишилар яқинда бўлиб ўтган тартибсизликлар ҳақида куйиниб гапирмоқдалар. Шу тартибсизликларга гиж-гижлаганларни ва уларда иштирок этганларни қаҳр-ғазаб билан қораламоқдалар.

Айни вақтда ички қўшинлар ҳарбий хизматчиларига ва СССР Ички ишлар министрлигининг ўқув юртлари курсантларига вазиятни соғломлаштиришда ёрдам берганликлари учун миннатдорчилик билдирилмоқда.

Ҳамма жойда ички ишлар ҳарбий хизматчиларининг маҳаллий аҳоли билан самимий учрашувлари бўлмоқда, маҳаллий аҳоли ўзбек халқига хос бўлган меҳмондўстлик билан солдат ва офицерларни хушбўй чой, мева-чева ва палов билан сийламоқда. Айни вақтда, ҳарбий хизматчилар ва курсантлар ҳам қарздор бўлиб қолишаётгани йўқ, улар хизматдан бўш вақтларида ҳосилни йиғиштириб олишда, мактабларни ремонт қилишда, йўлларни ободонлаштиришда ёрдам беришяпти.

— Меҳнаткашлар ички қўшинларни областдан олиб чиқиб кетманг, деб илтимос қилишаётгани тўғрими?

— Ҳа, бундай илтимослар кўп. СССР Ички ишлар министрлиги раҳбарияти бу илтимосларни тушуниб турибди. СССР Ички ишлар министрлиги ички қўшинлар қўмондони, генерал-полковник Ю. В. Шаталин таъкидлаганидек, миллатлараро нифоқни авж олдиришга қотиллик ва босқинларга дахлдор бўлган барча шахслар аниқланиб қўлга олингач, тартибсизликларнинг қайтарилиш хавфи батамом мустасно этилгач, аҳолининг истагига кўра комендантлик соати бекор қилинади.

— Бунинг учун нима ишлар қилинмоқда?

— Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари кенг кўламда оператив тергов ишларини ўтказмоқдалар, бу ишга ишбилармон мутахассислар жалб этилган. Тартибсизликларда фаол қатнашган шахслар, уларнинг ташкилотчилари аниқланмоқда. Эллик олтита жиноий иш қўзғатилди. Икки ярим мингдан кўпроқ жанжал ҳодисаси текширилмоқда. Ҳозиргача 30 дан кўпроқ қотиллик очиб ташланди, жиноятчилар аниқланди. Яқин орада очиқ суд жараёнларини бошлаш мўлжалланмоқда.

Областда ўт қўйиб юборилган ёки вайрон қилинган уй-жойларни тиклаш, мол-мулкни топишда аҳолига ёрдам бериш тадбирлари кўриляпти. Ишлаб чиқариш потенциалидан тўлиқ фойдаланиш, экология вазиятини яхшилашга қаратилган иқтисодий ва социал тадбирларнинг катта комплекси ҳам амалга ошириляпти. Аҳоли ўртасида олиб бориладиган оммавий-сиёсий иш, интернационал тарбия, шу жумладан ички ишлар органлари шахсий состави ўртасидаги интернационал тарбия қайта қурилмоқда.

— Одамлар фожиа такрорланмаслигига, осойишталикларни мустаҳкам таъминланишига ишончлари комил бўлиши мумкинми?

— Милиция ходимлари ва ички қўшинларнинг ҳарбий хизматчилари қонунсизликка сира йўл қўймаслик, ҳамма ерда ҳуқуқ-тартибот таъминланиши, одамлар осойишта яшашлари ва ишлашлари учун ҳамма ишларни қилмоқдалар. Бу борада аҳолининг ўзи ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Корхоналарда ишчи отрядлари тузилган. Бу отрядларда 12 мингдан кўпроқ ишчи ва хизматчилар бор, ҳамма ерда кўнгилли халқ дружиналари ишлаяпти.

Аммо шуни айтиш керакки, жанжалкашлар қуролни ташлашгани йўқ. Ўзларининг қабиҳ ниятларидан воз кечишмаяпти, содир этилган жиноятлар учун жавобгарликдан қочишга ва ҳар қандай йўллар билан вазиятни беқарорлаштиришга уринмоқдалар. Улар миш-мишлар тарқатишмоқда, одамларга дўқ-пўписа қилишмоқда, партия, совет ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг обрўсини туширишга, ўзбекларда бошқа миллатларга мансуб кишиларга ишончсизлик уйғотишга ҳаракат қилмоқдалар.

Коммунал идоралар ходимларимиз, деб уйма-уй юрган ҳамда кескинлик чиқариш ва вазиятни беқарорлаштириш учун турлича миш-мишларни тарқатаётган бир қанча шахслар аниқланди. Қувасойда район партия комитетининг секретари номидан корхоналар ва ўқув юртларига телефонограмма юбориб, гўё ички қўшинлар жангчиларини тантанали вазиятда кузатиб қўйиш учун марказий майдонга чиқишга даъват қилинди. Дарров ваҳима бошланди, чунки одамлар қўшинларнинг кетишини исташмаяпти, яна тартибсизликлар чиқиб кетишидан қўрқишмоқда.

Телефонда милиция ходимларига ва месхети туркларига ёрдам бериб, уларнинг болаларини қутқариб қолган ўзбек миллатига мансуб кишиларга дағдаға қилинмоқда. Ишни ташланг, маҳаллий маъмурларга бўйсунманг, деган мазмунда имзосиз хатлар тарқатиляпти... Айрим гражданлар юрак олдириб қўйиб, чўчиб қолиб областдан жўнаб кетишяпти.

Безорилик қилиб турувчилар ҳам учрамоқда. Масалан, Марғилон кўчасида икки барзанги йигит велосипед занжирини ушлаб олишиб ўзбек қизига ҳужум қилишди. Буни қарангки, ўша қиз чиройли гулдор куйлак кийибдику, хонатлас лозим кийишни эсидан чиқарибди. Месхети турклари яшаган, ҳозир эса муҳр босиб қўйилган уйларни ёндиришга уринишлар бўлмоқда. Қаттиқ огоҳлантиришга қарамай, комендантлик соати қоидалари бузилишига йўл қўйилмоқда.

— Тартибсизликлар чиқарган ва уларнинг ташкилотчилари бўлган бирор кишининг номини айта олмайсизми?

— Йўқ. Матбуот марказига бундай хабарлар келгани йўқ. Оператив қидирув ва тергов чоралари батамом ниҳоясига етмагунча бундай хабарлар бўлмайди. Сабр қилиш керак. Такрор айтаманки, бу масала хусусида кўп иш қилинмоқда. Яна бир карра шуни таъкидламоқчиманки, партия, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, ички қўшинларнинг ҳарбий хизматчилари Фарғона областида яшаётган барча миллатларга мансуб гражданларнинг хавфсизлиги ва осойишталигини таъминлаш учун барча зарур, жуда самарали чора-тадбирларни кўрмоқдалар.

БРИФИНГ ЎТКАЗИЛДИ

СССР Ички ишлар министрлигининг ички қўшинлари ҳозир фавқулодда шароитларда ишламоқдалар. Мамлакатнинг турли регионларида содир бўлган воқеалар шундан далолат бериб турибди, деб хабар қилишди 4 июль куни журналистларга СССР Ички ишлар министрлигида бўлиб ўтган брифингда.

Ички қўшинлар сиёсий бошқармаси бошлиғи, генерал-майор А. Гриенко, агар жамоат тартибини бузишлар оммавий тус олса ҳамда гражданлар ҳаётига хавф солса, корхоналар ишини издан чиқарса, давлат, жамоат мулкини ёки шахсий мулкни йўқ қилиб юборишга қаратилган бўлса мазкур қўшинларга жамоат тартиби бузилишининг пайини қирқиш вазифалари юклатилади. Қонун ички қўшинларга охирги чора сифатида қурол ишлатиш ҳуқуқини беради.

Масалан, СССР Ички ишлар министрлигининг ички қўшинлари Фарғона областида миллий негизда бўлган оммавий тартибсизликлар чоғида олти марта қурол ишлатдилар. Ана шу фактларнинг ҳаммаси юзасидан прокуратура органлари қонунда белгиланган тартибда жиноий иш қўзғатдилар. Дастлабки тергов маълумотлари шундан далолат бериб турибдики, бу ҳолларда қурол қонуний тарзда ишлатилган. Тоғли Қорабоғ, Сумгаит, Грузия, Қозоғистонда миллий негизда оммавий тартибсизликлар бўлганида, гарчи аҳвол мушкул бўлса ҳам, солдатлар қуролни ишга солишмаган эди.

Махсус воситаларни қўллаш ҳақида гапириб А. Гриенко ички қўшинлар қўлида шундай воситаларнинг 22 тури борлигини айтди. Булар бронежилетлар, пластик ва металл қалқонлар, резина таёқлар, совуқ қуролнинг барча турлари, калта стволли ўқотар қурол, босим билан сув чиқарадиган ускуналар, кўздан ёш оқизадиган «Черёмуха» газидир. Бу воситаларни қўлланиш қоидаларини СССР Ички ишлар министрлиги, СССР Юстиция министрлиги ва СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги белгилаб беради. Ички қўшинлар сиёсий бошқармасининг бошлиғи, гарчи «Черёмуха»нинг номларида фарқ бўлса ҳам, аммо таркиби турли даражада буғга айлантирилган хлорацетофенондан иборат, деб таъкидлади. Бу газ барча токсикологик талабларга жавоб беради. Ички ишлар органлари ўтган йили бу газни илгаригига нисбатан анча кўп қўлладилар. Лекин ҳеч ким ўлгани ҳам йўқ, узоқ вақт бетоб бўлгани ҳам йўқ.

(ТАСС мухбири).

• Консерва заводи мавсумга шайми?

СУСТКАШЛИК АЛОМАТИ

Озиқ-овқат программасини амалга оширишда Қорақалпоғистон Автоном республикасида сусткашликка йўл қўйилмоқда. Ҳозир етиштирилаётган сабзавот, қовун-тарвуз, мева ва узумлар чўғи аҳолининг талаб ва эҳтиёжларига жавоб бермайди.

Шунга қарамай, Нукусдаги мева-сабзавот консерва заводида янги ҳосилни қабул қилиш ва қайта ишлашни жадаллаштириш борасида қатор тадбирлар кўрилмоқда. Хўжаликнинг ўз кучи билан қилинаётган ишлари эътиборга сазовор. Қатор цех ва линиялар қурилди. Айрим цехлардаги эскирган асбоб-ускуналар, механизмлар янгилари билан алмаштирилди. 100 тонна сабзавот тузлайдиган цех фойдаланишга топширилди. Цех коллективи ташаббуси билан шарбат ишлаб чиқариш қўшимча линияси қурилиб ишга туширилди. Вакуум аппаратининг эски системалари янгиланди. Шу тариқа заводнинг ишлаб чиқариш кўлами анча кенгайди. Меҳнат унумдорлиги эса ошадиган бўлди.

Сув танқислигини эътиборга олиб иш тутилмоқда. Сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш мақсадида автоклав ускуналарини совутиш резерви топилди. Совутиш иншоотида буғланган сувни йиғиб қайтадан ишлатиш имкони яратилди. Заводнинг асосий ишлаб чиқариш цехидаги томат, маринад, қиём ишлаб чиқариш тармоқлари мавсумга тахт қилиб қўйилди.

Завод коллективининг хўжалик йўли билан мавсумга муайян тайёргарлик кўрганлиги сезилиб турибди. Бироқ ўлда-жўлда ишлар ҳам кўп. Бунга асосан буюртмачилар ва пудратчилар айбдор. Буюртмачи ва пудратчи ноаҳиллиги завод коллективи фаолиятига салбий таъсир кўрсатяпти.

Инсон омили ҳақида гап борганда шуни айтиш керакки, маъмурий-маиший корпуснинг қурилиб битказилганига бир йилдан ошсада, шу кунгача у фойдаланишга топширилмаган. Сабабини суриштирганимизда, корпуснинг канализация тармоғи қурилиши ниҳоясига етказилмаганлиги маълум бўлди. Наҳотки, шунча иш қилинса-ю, канализация тармоғига келганда пайсалга солинса? Дарвоқе, вентиляция тармоғи ҳам қурилмаган. Санитария-техника ускуналари ўрнатилмаган. 1989 йилда 100 минг сўмлик қурилиш ишлари бажарилиши керак эди. Амалда эса шу кунгача 40 минг сўмлик иш адо этилди, холос. Икки бостирмадан бирининг усти ёпилмаган. Асфальт ётқизиш ишлари чала-чулпа. Бостирмага ҳар бири 50 куб метрлик 5 та цистерна ўрнатилиши керак. Ускуна биринчи кварталда етказиб берилмоқчи эди. Ҳозиргача ундан дарак йўқ. Унинг сабабларини сўраганимизда, таъминотчи — 1-«АгроОДС» директорининг ўринбосари Обай Реушенов мужмал жавоб қилди.

Аслида эса бунга қурилишларни планлаштиришдаги жиддий хато ва нуқсонлар сабаб бўлмоқда. Масалан, 30 тонналик автотарози қурилишини олиб кўрайлик. Уни ишга тушириш учинчи кварталга планлаштирилибди. Ахир, июль — август — сентябрь ойлари айни пишиқчилик пайти-ку! Шу ойларда завод консерва учун хом ашё қабул қиладими ёки автотарози қуриш билан банд бўладими?

Қурилишга оид яна бир гап. 1 минг тонна маҳсулот сақланадиган омборхона қурилиши 1986 йилда бошланган. 447-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна қурувчилари ҳаммаси бўлиб атиги 195 минг сўмлик иш бажариб, бедарак кетдилар. Омборхонани фойдаланишга топшириш бу йил ҳам кўзда тутилмагани қизиқ.

Консерва заводи шартномага кўра, бу йил 6 минг тонна сабзавот қабул қилиб олиши ва қайта ишлаши керак. Хом ашё сақланадиган омборхона, бостирмалар битказилмай қолаётганлигидан кўплаб мева-сабзавотлар нобуд бўлишига йўл қўйилмоқда.

Автоном республикада ягона консерва заводи бўлса-ю, у ҳам мавсумга шу тахлит ҳозирлик кўрса! Қорақалпоғистон АССР Агросаноат давлат комитети ва «Каракалпакагрострой» бирлашмаси раҳбарлари бунга нима дейишар экан?

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

СССР Олий Совети Президиуми номидан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларига биноан хизмат бурчини адо этиш чоғида мардлик, жасорат ва фидокорлик кўрсатганликлари учун 3 киши «Жамоат тартибини сақлашдаги аъло хизмати учун», 8 киши «Ёнғинда жасорат кўрсатганлик учун» медаллари билан мукофотланди.

АГРОСАНОАТ ЯНГИЛИКЛАРИ

«Тонус» ичиб, ҳузур қилинг

Урганчдаги сут-сарёғ заводи ходимлари шифобахш хусусиятларга эга бўлган «Тонус» ичимлигини ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар. Мамлакатимизда бу — ачиган сутдан тайёрланадиган мазкур маҳсулотни ишлаб чиқариш ишониб топширилган учинчи корхонадир.

Урганчда бир сменада ўн тоннагача ана шундай витаминга бой ичимлик тайёрламоқдалар. Мазкур ичимлик овқат ҳазм қилиш органлари ишини яхшилаб, киши иш қобилиятини оширади.

Шу йили заводда яна бир янгилик — чарчоқни тарқатадиган «Янги пахта» яхна ичимлиги ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режалаштирилган. Бу ичимлик сарёғ тайёрланганидан кейин қоладиган маҳсулотларга ёғи олинган қоришмалар қўшиб тайёрланади.

Пудрат усулида

Самарқанддаги қишлоқ хўжалиги институтининг ўқитувчи ва студентлари экин экиладиган эллик гектардан кўпроқ ерни ижарага олдилар. Олий ўқув юрти ўқув хўжалиги билан тузилган шартномага мувофиқ, улар уруғлик учун дуккакли ўсимликларнинг сермаҳсул навларини етиштирадилар.

— Биз бундай илмий-ишлаб чиқариш коллективи ташкил қилинганлигини маъқуллаймиз, — дейди институт ректори Д. Абдукаримов. — Биринчидан, ниҳоят фан амалиёт билан чинакамига бирлашади, иккинчидан эса студентлар шу тариқа аъло даражадаги амалий тайёргарликка эга бўладилар.

Масаланинг яна бир жиҳати: шартномага биноан, пудратчи-селекционерлар анча-мунча пул ишлаб топишлари ҳам мумкин. Пландан ташқари сара уруғлик етиштирганлик, шунингдек ресурсларни тежаганлик учун мукофотлар бериш кўзда тутилган.

Тежамкор услуб

Ниҳоят агрохимлаборатория билан биофабрика Шовот районида жойлашди. Энди икки қаватли янги бинода тупроқ, озуқа, ўсимликларни лаборатория шароитида анализ қилиш тез ва пухта ўтказиляпти. Шу бинонинг ўзида фойдали ҳашаротлар етиштириш учун иккита линия ишга туширилган.

Районда ўсимликларни муҳофаза қилишда биологик усулдан фойдаланиш тажрибаси бор. Ҳашаротлардан пахта ва маккажўхори экилган майдонларда фойдаланилган. Энди эса улар кўпгина боғлар ва полизларни ҳимоя қилиш учун етарли даражада кўпайтирилди.

Экология жиҳатидан соф ва тежамкор бу услуб Хоразмнинг бошқа районларида ҳам тобора кенг ёйилмоқда. Областда қирқдан кўпроқ биофабрика ва лаборатория ишлаб турибди. Улар етиштириб бераётган ҳашаротлар юз минг гектардан зиёд майдондаги экинларни муҳофаза қилишни таъминлаяпти.

(ЎзТАГ).

Обидалар — асрлар ва насллар мулки

ЕМИРИЛАЁТГАН ШАҲАР

ёки Фарғона Афросиёбининг ҳозирги аҳволи хусусида

Қадимги Фарғонанинг (Хитой манбаларида Давань — тоғ ортидаги ўлка) пойтахти Ахсикент шаҳри Наманган область Тўрақўрғон районидаги «Ўзбекистон», «Шарқ юлдузи», «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозлари территориясида жойлашган бўлиб, 400 гектардан ортиқ майдонни эгаллайди. Маҳаллий аҳоли эски Ахси номи билан аталиб келинаётган бу шаҳар харобасини ҳақли равишда Фарғона Афросиёби дейди. Бинобарин, шаҳарнинг водий тарихининг қулдорлик ва феодализм даврида ўйнаган сиёсий-иқтисодий ва маданий роли Самарқанд Афросиёбидан қолишмайди. Аммо харобанинг ўрганилиши фақат олтмишинчи йиллардан бошланди ва ҳамон текшириш ишлари давом этмоқда.

Дастлабки тадқиқотлар устоз Яҳё Ғуломов номи билан боғлиқ. Археологик қазишмалар вақтида X — XI асрларга оид ҳаммом, сув йўллари, водопровод ва коммунал хўжалик бинолари, IX — XV асрларга мансуб уй-жой қолдиқлари, милоддан аввалги III — II асрларда пахса девор ва хом ғиштлардан қурилган мудофаа деворлари билан ўралган, минг йиллар оша тузатилиб, мустаҳкамланиб келинган шаҳар қалъаси топилди ва ўрганилди. Аммо замонлар ўтиши билан бебош Сирдарё шаҳарнинг қалъа қисмини ювиб кетган.

Ахсикент ҳам Ўрта Осиёдаги кўҳна шаҳарлар — Афросиёб, Бухоро, Панжикент сингари қулдорлик ва Ўрта аср шаҳарларидек уч қисмдан — қалъа (арки аъло), шаҳристон (ички шаҳар) ва работ (ташқи шаҳар) дан иборат. Ўтган йиллар ичида Ахсикент харобасининг қалъа ва шаҳристон қисмлари нисбатан ўрганилди ҳамда қадимги Фарғона тарихига оид бой археологик материаллар қўлга киритилди. Булар ичида турли-туман зеби-зийнат намуналари, кулолчилик ва нумизматика ашёлари, тақинчоқлар, қурол-яроғлар бор. Ўрта аср сайёҳлари, географ, тарихчи ва йилномачилари ёзиб қолдирган манбаларда тилга олинган ва таъриф этилган Ахсикент шаҳри тўртта дарвозадан иборат эканлиги қазишмалар вақтида тўла тасдиқланди.

Мўғул босқинчилари ҳужуми натижасида Ахсикент шаҳри ёндириб юборилган. Кейинчалик у қайта тикланмади, хароба ҳолида қолаверди. Омон қолган аҳоли атрофларга кўчиб кетди. Ана шу харобадан 6 — 7 километр ғарбда темурийлар даврида барпо этилган, темурийзода Умар Шайх Мирзо даврида мустаҳкам қалъа шаҳар вазифасини бажарган Ахси 1620 йилда рўй берган кучли зилзила оқибатидан вайрон бўлган. Ҳозир эса дарё бўйида бир қисмигина намуна сифатида сақланиб қолган харобанинг тупроқлари ғишт заводи учун ишлатилмоқда. Эндиликда сақланиб қолган Ахсикент давлат муҳофазасига олинган бўлиб ЮНЕСКО ҳисобида турадиган, жаҳон аҳамиятига молик ёдгорликдир. Бироқ харобанинг бугунги аҳволи ғоят ачинарли.

Республикамиздаги бошқа тарихий ёдгорликлар сингари Ахсикентнинг ҳам муаммолари бор. Чунончи Сирдарё йил сайин ўзининг ўнг томонини, жумладан Ахсикент ёдгорлигини, айниқса баҳорги тошқинлар вақтида қулатиб бормоқда. Бинобарин, бу йилдан бошлаб Орол денгизига сув юборилиши кўпайтирилиши муносабати билан Ахсикент харобаси яна хавф остида қолади. Боиси шунча йиллардан буён иҳоталар ва муҳофаза тўсиқлари қурилмади. Аксинча хароба ён бағирлари пахта, шоли ва бошқа экинлар учун ўзлаштириб юборилди. Натижада яна бир катта хавф пайдо бўлди. Харобанинг 300 гектардан ортиқроқ работ қисмида йиллар давомида пахта экиб келинмоқда ва ундан чиққан пайров сувлари харобани янада вайрон қилиб, тиклаб бўлмайдиган даражага олиб келди. Айниқса, Ахсикентнинг шимолий қисмларида ўзбошимчалик билан қатор уй-жойлар қурилди. Аҳвол шу ҳолда давом этадиган бўлса, яқин вақт ичида хароба шаҳристон қисмининг устки баланд жойларида ҳам янги уйлар қад кўтаради, деҳқончилик қилинади, боғ-роғлар барпо этилиб, Ахсикент харобаси изсиз йўқолиб кетади.

Сўнгги йилларда область партия комитетининг ташаббуси билан 120 минг сўм пул сарфланиб, харобанинг Тўрақўрғон — Жомашўй магистрал йўли бўйлаб шарқ услубида деворлар қурилган эди. Улар бир томондан харобанинг оқар сувлар таъсирида емирилишдан сақласа, иккинчи томондан унинг кўринишига ҳусн бағишлаган эди. Афсуски, бу деворлар кейинчалик ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Кўқонда тайёрлаб келтирилган махсус плиталар, нақшлар ва ғиштлар аҳоли томонидан бузиб олиб кетилди, деворлар қулай-қулай деб турибди. Бугунги кунга келиб, фақат Ахсикент харобасини эмас, балки катта маблағ эвазига бунёд этилган янги деворларни бузилиш ва талон-торож қилинишдан сақлаб қолиш зарур. Бундай аҳвол на район, область, на тарих ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш жамияти ходимларини, на область ўлкани ўрганиш музейидагиларни, на маҳаллий партия ва совет ташкилотларини ташвишга солаётир. Ўтган йили район тарих ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш жамиятига шу ерда бўш турган музей хоналаридан бирига кўчиб келиб ишлаш таклиф этилса-да, аммо музейга телефон туширилдию, иш шу билан тугади. Ваҳолонки, жамият идораси, унинг ходимлари райижроком хонасидан чиқмаётирлар, ҳақиқий аҳволдан узоқда турибдилар.

Бундан икки йил аввал область ва район партия комитетларининг секретарлари Ахсикентга таклиф этилиб, ҳақиқий аҳвол, мавжуд манзара билан таништирилди. Суҳбат чоғида янги Ахсикент музейи қуриш, туристлар ва зиёратчилар учун йўл устида, дарё бўйида чойхона, ошхона, кафе ва бошқа маданий-маиший бинолар бунёд этиб, зиёратгоҳга айлантириш хусусида таклифлар киритилди. 1988 йилда музей қурилиши учун тегишли план лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланди ва унга тегишли имзолар чекилди. Бироқ аҳвол ҳамон ўша-ўша. Ахир, Ахсикент ёдгорлиги харитасини тузиш, шу ерда туғилган Шарқнинг машҳур алломалари Аҳмад Фарғоний, Асуруддин Ахсикатий, Абу Рашод Ахсикатий, Бобур Мирзоларга лоақал эсдалик лавҳалари ёзиш вақти етмадимикан? Шунингдек, Ахсикент харобасини тадқиқ этишни илмий жиҳатдан кенгайтириш хусусида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Археология институти маъмурияти ҳам ўйлаб кўрса бўларди. Уни археологик жиҳатдан қазиш ва экспедиция уюштириш учун 9 — 10 минг сўм пул сарфлаш камлик қилади. Масаланинг молиявий томонини қайта кўриб, район, область, республика тарих ва маданий ёдгорликларни муҳофаза этиш жамияти, область ўлкани ўрганиш музейи маблағларидан фойдаланиб, бу ишга ТошДУ археология кафедраси ҳамда Наманган педагогика институти талабаларини ҳам жалб этиш айни муддао бўлур эди.

Тарих, тил ва маданий меросга муносабатни тубдан ўзгартириш ҳақида халқимизнинг янги талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олиб, ҳозирги қайта қуриш вақтида жаҳон цивилизациясининг ажойиб намунаси бўлган Ахсикент ёдгорлигини муҳофаза қилиш, уни кўз қорачиғидек асраш ва ўрганиш борасида мутасадди ташкилотлар зарур амалий чораларни кўрадилар, деган умиддамиз.

И. ҚОСИМОВ,
Ўзбекистон ССР тарих жамиятининг аъзоси.

«Совет Ўзбекистони»га жавоб берадилар

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МИНИСТРЛИГИ:

— Беруний номли Самарқанд педагогика билим юртининг бир гуруҳ ўқитувчилари ва учинчи курс талабалари ўқув даргоҳи дирекцияси устидан ёзган аризалари юзасидан текшириш ўтказилди. Уларда кўрсатилган бир неча фактлар тасдиқланди. Натижада министрлик томонидан буйруқ чиқарилди. Унда педагогика билим юрти директори С. Шокирбековага ҳайфсан эълон қилинди ва ўқув даргоҳи маъмуриятига қуйидаги топшириқлар юклатилди:

— ўқувчиларнинг қишлоқ хўжалик ишларида қатнашиб, олмаган иш ҳақлари бир ой ичида қайтариб берилсин;

— хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари Р. Турсуновнинг шу лавозимда ишлаши масаласи кўриб чиқилсин;

— қонунга хилоф равишда пулларни ишлатган шахсларга нисбатан қаттиқ чоралар кўрилсин ва материаллар тергов органларига топширилсин;

— билим юртида партия, комсомол ва касаба союз ташкилотлари билан ҳамкорликда тарбиявий ишлар кучайтирилсин ва келгусида бундай қонунга хилоф ишларга йўл қўйилмасин;

— бажарилган ишлар ҳақида министрликнинг ўрта махсус билим юртлари бошқармасига хабар қилинсин.

Шунингдек, мазкур билим юрти ўқитувчилари шикоят хати юзасидан Самарқанд шаҳар партия комитетидан ҳам расмий жавоб олинди. Унда таъкидланишича, иш жараёнида ортиқча қизиққонлик қилганлиги, ҳис-ҳаяжонга берилганлиги билим юрти директори С. Шокирбековага кўрсатиб ўтилди. Маъмурий тартибда ўқитувчилардан В. Гиматдинов, С. Аҳатов қаттиқ жазоландилар, хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари Р. Турсунов ишдан бўшатилди. Ўқувчиларга тегишли пул билим юрти кассасига ўтказилди.

АХБОРОТ

Мебеллар уйи

✦ Қаршидаги эски шаҳар колхоз бозори ёнида «Мебеллар уйи» магазини фойдаланишга топширилди. Савдо шохобчасининг умумий майдони қарийб 2 минг квадрат метрни ташкил этади.

«Мебеллар уйи»да хонадонларни жиҳозлаш билан боғлиқ кўргазмалар ташкил этилган. Уй-рўзғор буюмлари харид қилиш мумкин. Мебелларни харидорнинг уйига етказиб бериш хизмати йўлга қўйилган. Хўжалик ҳисобида ишлайдиган бу магазин йилига 7-8 миллион сўмлик савдо қилиш имкониятига эга. Ўзига хос архитектура кўринишига эга бўлган магазин биносини «Каршипромжилстрой» трестининг 4-механизациялашган кўчма колоннаси бунёдкорлари муддатидан илгари қуриб беришди.

К. МУСАЕВ.

●

Маданият маскани

✦ «СирдарьяГЭСстрой» трести қурувчилари Ширин шаҳрида барпо этган кинотеатрда ота-оналар ва кичкинтойлар учун қулайлик яратилди.

Алишер Навоий номи билан аталган кинотеатрнинг икки томошахонаси бор. Уларнинг бири 200 ўринли бўлиб, болалар учун мўлжалланган. Иккинчисида катталарга фильмлар намойиш қилинмоқда. Кинотеатр атрофи ёғоч ва ганчдан ясалган эртаклардаги қаҳрамонлар ҳайкаллари билан безалган.

(ЎзТАГ).

ШАРҚ АҚЛ-ЗАКОВАТИНИНГ ХАЗИНАСИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтида 40 мингга яқин қадимий қўлёзмалар ва литография китоблари авайлаб сақланмоқда. Бу ноёб асарлар орасида Навоий, Беруний, Абу Али ибн Сино, Хоразмий сингари мутафаккирларнинг китоблари, баъзиларн ўрин олган.

Институтда кўплаб ноёб асарлар чуқур ўрганилиб мухлислар эътиборига ҳавола этилмоқда.

Суратларда: институтнинг илмий ходимлари — тарих фанлари номзоди Қувомиддин Мунировва кичик илмий ходим Муяссар Солиҳова қўлёзмаларни кўздан кечирмоқда. Пастда эса ёш тадқиқотчи Жамила Йўлдошева Алишер Навоийнинг «Девони»ни ўрганаётир.

Р. ШАГАЕВ ва А. ГОРОКРИК суратлари (ЎзТАГ).

● ЯНГИЛИКДАН ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

Тошкентда АҚШ корхонаси

Ўзбекистон пойтахтида СССР ва АҚШ биродарлашган шаҳарлари учрашувида фақат шаҳар мэрларигина иштирок этмай, жамоат арбоблари, фан ва маданият ходимлари ҳамда ишбилармон гуруҳларнинг вакиллари ҳам қатнашдилар. Чунончи, совет савдо ходимлари билан меҳмонларнинг ўзаро учрашувларида хайрли режаларни рўёбга чиқариш ҳақида фикр юритилди. Центросоюзнинг Тошкент шаҳар матлубот жамияти билан «Халқаро озиқ-овқат ишлаб чиқариш техникаси» фирмаси вакиллари республикамиз пойтахтида узум, майиз ва томат пастаси ишлаб чиқарадиган завод қурилиши ҳақида келишиб олишди.

— Биз Америка фирмасининг вице-президенти Душан Станевич билан ҳар икки томонга фойда келтирувчи корхона бунёд этиш борасидаги битимга имзо чекдик, — дейди Тошкент шаҳар матлубот жамияти правлениесининг раиси Зоид Исмоилов. — Завод қурилишини ўз кучимиз билан амалга оширамиз. Ускуналарни эса «Халқаро озиқ-овқат ишлаб чиқариш техникаси» фирмаси етказиб беради. Бўлажак корхона кўп тармоқли эканлигини таъкидлаш керак. Бу ерда фақат томат пастаси чиқариб, майиз ва узумлар қайта ишланибгина қолмай, шу билан бирга қуюлтирилган шарбатлар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилади. Маҳсулотларнинг бир қисми АҚШ ва Ғарбий Европа бозорларига чиқарилса, қолгани тошкентликларга «тортиқ» қилинади. Биз 15 июль куни мазкур фирма вакиллари билан яна учрашиб, техникавий ва иқтисодий масалаларни узил-кесил ҳал этиш ҳақида келишиб оламиз. Бундай аҳдлашувга Тошкент шаҳар ижроия комитети яқиндан кўмаклашмоқда. Эндиги вазифа, корхона учун жой танлаш ва хом ашё етказиб берувчи хўжалик билан келишиб, таъминот масалаларини йўлга қўйиш. Бир сўз билан айтганда, Тошкент шаҳар матлубот жамияти халқаро майдонга чиқмоқда.

А. ҲАТАМОВ.

Янги шеърлар

Эътибор ОХУНОВА

ОЛОВЛАРНИНГ ЎЗИ ЁНДИ...

Туман ичра эригандай
Ўтар йиллар
Дунё берган орзу, армон,
Йўллар улар.
Лекин унинг равонидан
Довони кўп,
Ҳаёт йўлин яхшисидан
Ёмони кўп.
Гулханлари ёнар... мени
Ёндиргани,
Музликлари тўнар... мени
Тўндиргани.
Қанотимни қайирмоққа
Шамоллари
Елиб келар, кўксим тилар
Заволлари
Ҳаёт денгиз...
Тўлқини кўп, уммони кўп,
Қувончидан кўра унинг туғёни кўп.
Ҳаммасига мўъжазгина елкам тутдим
Идрокимдан эшкак ясаб
Омон ўтдим.
Оловларнинг ўзи ёнди
Ёндиролмай,
Музликлар эриб оқдилар
Тўндиролмай.
Мен ёнмадим,
Мен тўнгмадим
Омон ўтдим.
Умр бўйи етмаганим
Сени кутдим,
Сен манзиллар бошидасан
Хаёл-хаёл,
Орзум, сени алқаб бошда
Оппоқ рўмол,
Туман ичра эригандай
Ўтар йиллар,
Ғолиб-ғолиб ўтган орзу,
Армон улар...

ҲАЁ

Мен бу сўзни
Ҳис этаман юрагимнинг
Оғриқларида.
Асрагайман уни
Қора кўзим қароқларида.
Очилмаган гул ул
Назокатнинг қўриқларида,
У бағримнинг энг тўрида,
Энг мусаффо варақларида.
Ҳар нарсадан баланд,
Ҳар нарсадан қиммат,
Ул кўзларнинг нури, гуҳари
Қай аёлим тарк айласа иффат,
Соврилибди демак баҳори.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

Оғир атлетика: МАМЛАКАТ ЧЕМПИОНИ

Қирғизистон пойтахтида бир неча кун давом этган мамлакат чемпионатида республикамиз вакиллари муваффақиятли куч синашишга ҳаракат қилишди. 90 килограмм вазнли полвонлар сафида мусобақалашган наманганлик Сергей Сирцов ғолиблик супасига кўтарилди. У даст кўтаришда 182,5, силтаб кўтаришда 225 килограммлик натижа билан ғолиблар сафидан жой олди.

Енгил атлетика: ЮКСАК НАТИЖА

Таниқли спортчи, лангар билан сакраш устаси, тошкентлик Родион Гатаулин бу йилги мавсумда илк бор халқаро мусобақада қатнашиб, муваффақият қозонди. У Хельсинкида ўтказилган йирик баҳсда 571 сантиметрли марраии эгаллаб, ғалаба қозонди. Куни кеча эса Норвегия пойтахтида ўтказилган халқаро мусобақада 590 сантиметрли юксакликни забт этиб, ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлди.

ЎЗБЕК ТИЛИДАН САБОҚ

Мана, ярим йилдирки, «Кашкадарьинская правда» газетаси саҳифаларида ўзбек тили дарси машғулотлари ўтказилмоқда.

Редакция илтимосига кўра газетада биринчи машғулотни Қарши шаҳридаги Крупская номли 1-мактабнинг ўзбек тили фани муаллими Галина Мустафоева ўтказди. Байналминал сиёсатни амалга ошириш учун газета бошқа миллатга мансуб кишиларга ўзбек тилини ўргатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Г. Мустафоеванинг ўтказган дарслари грамматикага алоқадор бўлиб, асосан мактаблар ва ўрта таълим муассасалари ўқувчиларига мўлжалланган эди. Оғзаки нутқни ўстиришга кам эътибор берилар, кўпроқ ўқув қўлланмаларидан фойдаланилларди. Баъзи ноаниқликлар, хатоларга ҳам йўл қўйилларди. Буни кўп сонли зийрак газетхонлар дарҳол пайқаб редакцияга мурожаат қилишди. Жумладан, Шаҳрисабз шаҳридан мактуб йўллаган бир газетхон дарсдаги камчиликларни рўй-рост айтди. Шундан сўнг редакция мазкур хат муаллифи ва бошқа кўплаб газетхонларнинг фикрини эътиборга олиб, Қарши Давлат педагогика институти ўқитувчилари Қурбон Сулаймонов ва Амир Ҳазратқуловга дарс ўтказишни таклиф қилди. Аввалига улар И. Киссен ва Ш. Раҳматуллаев таҳрири остида чиқарилган «Самоучитель для взрослых» («Катталарга ўзлари ўрганишлари учун») қўлланмасига таянган ҳолда машғулот ўтказишди. Бу машғулотларда грамматика ва синтаксисга катта эътибор берилиб, сўзлашув нутқидаги амалиёт ҳам эсдан чиқарилмади.

Редакция машғулотларни янада жонлантиришга қарор қилди. Малакани шакллантирувчи дарслар ўтказиш йўлга қўйилди. Шундай қилиб, газета саҳифаларида «Қиш», «Бизнинг шаҳар», «Менинг касбим», «Тоғларга саёҳат», «Космонавтика куни», «Менинг биринчи ўқитувчим», «Биринчи Май», «Саломатлик — бойлик» каби мавзулар пайдо бўлди. Бу дарслар олдингиларидан бир оз фарқ қилиб, ҳар хил нутқий ҳолатлар, диалоглар, савол-жавоблар, уйга вазифалар тарзида ўтказилди.

Масалан, «Қиш» темаси газетхонларда катта қизиқиш уйғотди. Бу тил ўрганувчиларни табиат ҳодисалари билан таништирди. Қадимий халқ анъаналарини ривожлантириш, эл-юрт бойлиги — ерни эъзозлаш, фаслларнинг қадрига етиш тўғрисида ҳам гап борди. «Баҳор» дарси эса халқимизнинг қадимий байрами — Наврўзни муфассал ифодалаб беришни мақсад қилиб қўйди.

Бунинг афзаллиги шундаки, ўқувчи ўзининг ўзбек тили бойлигини оширишда газетадан фойдаланиш имконига эга бўлди. Кўпгина машғулотлар газетхонларнинг луғат бойлигини бойитишга хизмат қилмоқда. Ўқитувчилар машғулотларда топишмоқлар, мақоллар, халқ достонлари, афсона ва ривоятлардан, бадиий асарлардан кенг фойдаланишмоқда. Бу янада қувонарлидир. Кейинги пайтларда бир неча машғулотни Қарши давлат педагогика билим юрти муаллими Бўритош Қосимова ўтказди. Унинг дарс ўтиш методикаси бошқалардан тубдан фарқ қилади. Муаллима аёлларнинг ўз-ўзига ўт қўйиш фактлари, хотин-қизлар гўзаллиги ва ғурури мавзуларига доир материаллардан атрофлича фойдаланмоқда.

Яқин орада ўзбек тилидан сабоқ бериш борасида газетага турли муаллифлар, ҳар хил касб эгаларини жалб этиш мўлжалланмоқда. «Энг қизиқарли дарс» конкурсини ўтказиш режалаштирилган. Ғолибни эса газетхонларнинг ўзлари аниқлашади.

— Ўзбек тили бўйича сабоқларни олиб боришда кўпроқ маданий-маиший мавзуларга эътиборни қаратяпмиз, — дейди «Кашкадарьинская правда» газетаси редактори В. А. Соснин. — «Автобусда», «Магазинда», «Кинотеатрда», «Меҳмонхонада», каби кундалик турмуш билан боғлиқ мавзуларга тўхталяпмиз. Шунингдек, газетхонларга ўлкамиз ва унинг гўзал табиати, иқлими, меъморчилик тарихи тўғрисида ҳикоя қилиш ниятимиз бор. Бундан ташқари, мутахассислар иштирокида ижара пудрати, кооперация, медицина темаларида ҳам ўзбек тили дарсини ўтказишни мўлжаллаяпмиз. Машғулотларни газета саҳифаларига олиб чиқишдек масъулиятли иш редакциянинг етакчи журналистларидан бири, ёш коммунист Матлуба Худойназаровага топширилган. У бу вазифани яхши уддаламоқда.

Шу билан бирга «Кашкадарьинская правда» газетасининг ўзбек тили машғулотларида баъзан стилистик ғализ жумлалар, имло хатолари ҳам учрайди. Айрим ўзбекча сўзлар нотўғри талқин этилади. Албатта, бу жузъий камчиликлардир. Булардан қатъий назар, редакция коллективи ўз олдига қўйган эзгу мақсадни муваффақиятли амалга оширмоқда.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

● Гиёҳвандлик — жиркanч иллат

МУРОСАСОЗЛИККА ЎРИН ЙЎҚ

Кунларнинг бирида «Квант» кооперативи мастери Владимир Николаевич Москвиннинг йўли Ғиждувонга тушиб қолди. Тушликни у «Космос» кино-театри ёнидаги чойхонада қиладиган бўлди.

Ғиждувоннинг машҳур кабобини иштаҳа билан истеъмол қилаётган пайтида ёнига ёши олтмишлардан ошиб қолган қария келиб ўтирди. Қариянинг суҳбатни ҳадеб кўкнор, наша мавзуларига буришга интилиши Володяни ҳушёр тортишга мажбур қилди. Афтидан «отахон» уни шундай гиёҳларни истеъмол қиладиган кишига ўхшатаётган эди.

Ўзини Араб Қозоқов деб таништирган бу шахс суҳбат охирида агар у шундай маҳсулотга эҳтиёж сезиб қолса, унинг ёрдамига умид боғлаши мумкинлигини айтиб қўйди.

Москвин Бухорога қайтганидан кейин бу учрашув туфайли пайдо бўлган шубҳаларини область ички ишлар бошқармасининг мутасадди ходимларига айтди. Улар эса бундай сигналлар бошқа меҳнаткашлардан ҳам тушаётганини айтиб, ғиждувонлик кўкнор сотувчиларни фош қилишда ёрдам беришни Москвиндан илтимос қилишди.

Ўтган йилнинг 21 октябрь куни В. Н. Москвин шу мақсадда Ғиждувонга қайтди. А. Қозоқовнинг воситачилиги орқали у район кинолаштириш идорасининг ходими Комил Тошев билан танишди. К. Тошев унга 345 грамм қуритилган кўкнорини 500 сўмга пуллаш пайтида қўлга олинди.

Шундай қилиб, Владимир Николаевич юзлаб кишиларнинг ёстиғини қуритаётган кўкнор ва наша билан савдо қиладиган шахсларни фош қилишда ўзининг граждfestлик бурчини бажарди. К. Тошев кўп ўтмай суд курсисига ўтирди.

Район халқ суди терговматериалларига асосланиб, содир қилинган жиноятнинг туб сабабларини аниқлашга ҳаракат қилди. «СССР 50 йиллиги» колхозида пахта йиғим-теримида кўмаклашаётган К. Тошев кунларнинг бирида Жигдазор қишлоғида истиқомат қилувчи А. Холова хонадонига кириб келди. Тандир ёнида уйиб қўйилган қуритилган кўкнор пояларини кўриб, унинг кўзи ўйнаб кетди. Ҳеч нарсадан бехабар бўлган пенсионердан бу хашакни сўраб олди-да, уни ҳафсала билан майдалаб, маҳсулотига харидор излай бошлади. Шундай қилиб, Москвин ва Тошевнинг йўллари кесишди.

Хўш, кўкнор поялари тандир ёнида қаёқдан пайдо бўлди? Бу саволга жавобни кўп ҳам излашга тўғри келмади. Ҳамма гап шундаки, пенсионер аёл бозордан сотиб олган пиёз уруғига кўкнор ҳам аралашган экан. (Бундай ҳоллар Фарғона водийси ва Қирғизистондан сотиш учун бозорга келтирилаётган уруғликда тез-тез учраб турибди). Томорқага экилган пиёз ўртасида ора-сирада чиройли гуллаган номаълум ўсимлик пайдо бўлганда, у бунга эътибор бермади. Сарвари қишлоқ Советиижроия комитети ходимлари, маҳалла активи, участка инспектори эса бу ҳовлидан хабар олиб кўкнор етиштирилаётганининг олдини олишмади. Адолат Холова кўкнорнинг қуриб қолган пояларини ўтин сифатида фойдаланиш учун тандир ёнига уйиб қўйди. Пировардида бу ҳол жиноят содир бўлишига олиб келди.

Район халқ суди К. Тошевни қаттиқ жазолаши мумкин эди. Бироқ унинг бундай жиноятларга биринчи марта қўл уриши ҳисобга олиниб, уч йиллик мажбурий хизматга жалб қилиш тўғрисида ҳукм чиқарилди. А. Холованинг қилмиши Сарвари қишлоқ Совети ижроия комитети ҳузуридаги ўртоқлик судида муҳокама қилиниб, у қаттиқ огоҳлантирилди. Афсуски, суд ҳайъати А. Қозоқовнинг қилмишини далиллаш учун тегишли ашёларга эга бўлмади. У жазодан қутулиб қолди.

Гиёҳвандликка қарши курашга етарли аҳамият берилмаётган жойлардан яна бири Зафаробод посёлкасидир. Иллатнинг олдини олиш мақсадида ўтказилган текширишларнинг бирида бу посёлкада истиқомат қилувчи З. Мустафина хонадонидан 63 грамм наша топилди. Аниқланишга кўра, у мунтазам равишда бу моддани истеъмол қилар экан. Яқинда район халқ суди уни содир қилган бу жиноятиучун икки йил муддатга мажбурий хизматга жалб қилиш тўғрисида ҳукм чиқарди.

Биз район халқ суди кейинги даврда кўриб чиққан гиёҳвандлик каби жирканч иллатга алоқадор икки ишни мисол тарзида келтирдик, холос.

Район халқ суди ўтган йилнинг кейинги олти ойида гиёҳвандлик билан алоқадор ўнта жиноий ишнинг саккизтасини қишлоқ клубларида очиқ суд йиғилишларида кўриб чиқди.

Суд ва адлия ходимлари маҳаллий Советлар, район ички ишлар бўлими ходимлари нарколог-врачлар билан ҳамкорликда жойларда гиёҳвандликнинг жамиятга ва инсон саломатлигига зарари, бу жирканч иллатга қарши курашнинг ҳуқуқий асослари тўғрисида бир қатор лекция ва суҳбатлар ўтказишди. Шу йилнинг бошидан буён тўрт марта оммавий рейдлар ўтказилиб, кўкнор экқан шахслар билан профилактик тадбирлар олиб борилди.

Буларнинг ҳаммаси районда гиёҳвандликка қарши кураш натижаларига ижобий таъсир кўрсатди.

Бироқ хотиржамликка ўрин йўқ. Жойларда ҳуқуқий тушунтириш ишларини янада кучайтириш лозим. Район Совети ижроия комитети ҳузуридаги ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка қарши кураш комиссияси ўз фаолиятини янада жонлантириши, бу ишга маъмурий ходимлар билан бир қаторда шифокорларни кенгроқ жалб қилиши зарур.

Р. ҲАҚҚИЕВ,
Ғиждувон район халқ судининг раиси.

Н. НАИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Муҳаррир
У. УСМОНОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари министрлиги
ТОШКЕНТ ТЕХНОЛОГИЯ ТЕХНИКУМИ
КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРГА
1989-1990 ўқув йили учун
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техникум қуйидаги ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлайди: озиқ-овқат саноати ускуналаридан фойдаланиш ва созлаш бўйича техник-механиклар, корхоналар ва аҳоли турар жой биноларининг электр ускуналарини созлаш, йиғиш ва улардан фойдаланиш бўйича техник-электриклар, бухгалтерлик ихтисоси бўйича ҳисобот ва хўжалик фаолиятини таҳлил қилувчи бухгалтерлар, донни сақлаш ва қайта ишлаш ихтисоси бўйича техник-технологлар.

ҲУЖЖАТЛАР ФАҚАТ ЎРТА МАЪЛУМОТЛИЛАРДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ЎҚИШ МУДДАТИ:

Бухгалтерлик ихтисоси бўйича кундузги бўлимда 1 йилу 10 ой, сиртқи бўлимда 2 йил;
техник-электрик ихтисоси бўйича кундузги ва сиртқи бўлимда 2 йилу 7 ой;
техник-технолог ихтисоси бўйича кундузги бўлимда 2 йилу 6 ой, сиртқи бўлимда 2 йилу 7 ой.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар: бухгалтерлик, техник-электрик ва техник механик ихтисоси бўйича **математика** (оғзаки), **она тили ва адабиёти** (ёзма);
техник-технолог ихтисоси бўйича: **она тили ва адабиёти** (ёзма), **химия** (оғзаки).

Аризалар кундузги бўлимга 31 июлгача, сиртқи бўлимга 10 августгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 1 августдан 25 августгача давом этади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: ариза, маълумоти ҳақидаги ҳужжат (асли), медицина справкаси (086/У форма), 4 дона фотосурат (3х4 см.), меҳнат дафтарчасидан кўчирма (ишловчилар учун).

Бошқа шаҳардан келган ўқувчилар ётоқхона билан таъминланадилар.

Техникум адреси: 700187, Тошкент шаҳри, 1-Қорасув массиви, 1 «б» уй (49, 63, 73, 89, 112-автобусларнинг «1-Қорасув» бекати). Телефонлар: 65-68-47, 65-68-49.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги
РЕСПУБЛИКА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1989-1990 ўқув йили учун
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Билим юрти барча йўналишдаги озиқ-овқат, саноат товарлари бўйича юқори малакали контролёр-кассир ва сотувчилар тайёрлайди. Бу группаларга 25 ёшгача бўлган ўрта маълумотлилар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Ўқиш муддати 8,5 ой.

ЎҚИШГА РЕСПУБЛИКАМИЗ ШАҲАРЛАРИДА ЯШОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш даври меҳнат стажига киради.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланади.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ҳамма фанлардан аъло баҳоларга эга бўлган ва битириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган ўқувчилар педсовет қарорига кўра, ўқишни битириб бўлгач Тошкент совет савдо техникумига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш практикаси Тошкент шаҳрининг Бош универсал магазинида ва универсамларда олиб борилади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), турар жойидан справка, таржимаи ҳоли, 086/У формадаги медицина справкаси, 3х4 см. катталикдаги 6 та фотосурат, характеристика, шаҳар савдо идораси ва область савдо бошқармасининг йўлланмаси.

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛАРГА ҲАР ОЙДА 32 СЎМ СТИПЕНДИЯ БЕРИЛАДИ.

Ота-онасиз ва етим қолган ўқувчиларга, ҳамда Улуғ Ватан уруши I—II группа инвалиди фарзандларига ҳар ойда 41 сўм стипендия тўланади.

Республика ҳунар-техника билим юртининг адреси: 700173, Тошкент шаҳри, А. Икромов районн, Бобир кўчаси, 3-уй (13 ва 70-автобуслар билан «Чўпон-ота»; 4 ва 9-трамвайлар билан «Тез ёрдам медицина клиникаси» бекатларигача борилади. Телефонлар — 75-35-86, 75 35-92.

САНИИРИ илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг
ЎРТА ОСИЁ ИРРИГАЦИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
вакант вазифаларга
КОНКУРС
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Катта илмий ходимлар: суғориш шохобчалари параметрларини оптималлаш ва суғориш техникаси бўлимига (2);
катта илмий ходим: дренаж ишлари технологияси ва уларни механизациялаш лабораторияси;
илмий ходимлар (2) ва кичик илмий ходим: композицион материаллар лабораторияси.

Конкурс муддати — 23 июлгача.

Бизнинг адрес: 700187, Тошкент шаҳри, 4-Қорасув массиви, 11-уй.

●

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ ИНСТИТУТИ
1989—1990 ўқув йилида
06.08 — «Бухгалтерлик ҳисоботи ва автокорхоналарнинг хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш» мутахассислигига ҳам
кундузги бўлимга
СТУДЕНТЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ҳужжатлар 15 июлгача қабул қилинади.

Адрес: 700000, Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 20-уй.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети республика радиоэшиттириш ва овоз ёзиш уйи овоз режиссёри

Тўхташ
УМРЗОҚОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

«Ўқитувчи» нашриёти коллективи, партия, касаба союз комитети нашриёт ходими М. Олимовага онаси

Фотима
АКБАРХЎЖАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент автомобиль ва йўллар институти ходимлари автомобиль йўлларини қидириш ва лойиҳалаш кафедраси доценти А. А. Аблақуловга отаси

Аблақул ОТАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитетининг чет элларга эшиттиришлар коллективи муҳаррир Л. Худойқуловага отаси

Искандар
СУЛАЙМОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии
Узбекистана, Верховного
Совета и Совета Министров
Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС:
700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 11818. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Б. — 158. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12